

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК 061.5:336.64**

**Бурханов Ақтам Усманович**

**ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА  
САНОАТ ҚОРХОНАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»**

**Иқтисод фанлари доктори  
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**Тошкент – 2011**

**Диссертация иши Тошкент Давлат техника университетида бажарилган.**

**Илмий маслахатчи:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Турсунходжаев Марат Лутфуллаевич.**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Олимжонов Одил Олимович;**

иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Маликов Тоҳир Сатторович;**

иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Кузиева Наргиза Рамазановна.**

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.**

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2011 йил «\_\_\_\_»\_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ да ўтадиган мажлисида бўлади.

**Манзил:** 100000, Тошкент шаҳри, Ҳ. Орипов кўчаси, 16-уй.

**Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.**

Автореферат 2011 йил «\_\_\_\_»\_\_\_\_\_ да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган  
кенгаш илмий котиби,  
иқтисод фанлари доктори**

**Ф.И. Мирзаев.**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг аграр мамлакатдан саноати ривожланган индустриаль давлатга айланиши борасида катта қадам ташланди. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодий кудратини, олдингидек, аграр соҳа эмас, балки юқори суръатларда тараққий этиб бораётган саноат соҳаси белгилаб бермоқда. Бундай шароитда саноат корхоналарининг узлуксиз молиявий барқарорлигини таъминлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий хўжаликда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, хусусан, йирик саноат тармоқларини барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник-технологик жиҳатдан янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг кўламда жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Булар ўз навбатида, саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигига эришишни тақозо этади.

Иқтисодиётни модернизациялашда реал секторда фаолият юритаётган йирик саноат корхоналарига инқирозга қарши чоралар доирасида қатор иқтисодий, молиявий имтиёз ва қулайликлар берилмоқда. Натижада, ушбу корхоналарнинг экспортдаги мавқеи имкон даражасида сақланиб қолишига муваффақ бўлиниб, молиявий барқарорлиги таъминланишига қулай шарт-шароит яратилмоқда. Дарҳақиқат, мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти ва ўсиш суръати реал сектор корхоналари барқарорлигига, шу жумладан, молиявий барқарорлигига, уларнинг ривожланиш даражасига бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: "...корхоналар ва компанияларнинг молиявий аҳволи заифлиги, уларнинг қарзлар ва банк кредитларини қайтаришга лаёқатсизлиги билан боғлиқ муаммолар... ..иқтисодиётнинг реал секторига жиддий таъсир кўрсатади"<sup>1</sup>, деб таъкидладилар.

Бунинг боиси, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози саноат тармоқлари ривожланишига бевосита таъсир кўрсатишидир. Яъни, 2010 йилда саноатнинг ўсиш даражаси ўтган йилга нисбатан 0,7 фоизли пунктга камайди. Бу эса, саноат корхоналари молиявий ҳолатининг беқарор бўлишига олиб келди. Бундай шароитда молиявий барқарорликни таъминлаш корхоналар фаолият кўрсатиши қобилиятини мустаҳкамлашнинг гарови ҳамда унинг мустаҳкам мавқега эга бўлишининг асоси бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи-назардан, молиявий барқарорликни таъминлаш, корхонанинг ўрта ва узоқ муддатли истикболдаги молиявий имкониятларини аниқлаш муҳим иқтисодий муаммолар жумласига киради.

Бозор муносабатлари шароитида йирик саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг ички ва ташқи омилларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларни янада чуқурроқ ўрганиш талаб этилади. Мамлакатимизда йирик саноат корхоналарини молиявий жиҳатдан барқарор суръатларда ривожлантириш ва модернизациялаш назарий ва амалий

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент, –Ўзбекистон. 2010. – Б. 52.

жихатларининг етарли даражада ўрганилмаганлиги танланган мавзунинг долзарблигини ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини белгилайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий ва амалий жихатлари хорижлик олимлар Э.Альтман, У.Бивер, Ю.Ф.Бриксэм, Дж.Гэлбрейт, Л.Гапенски, Б.Коллас, Р.В.Колб, М.П.Крейнина, К.Хеддервик<sup>2</sup>лар томонидан тадқиқ этилган.

МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимлари А.М.Александров, И.А.Бланк, А.В.Бочаров, Э.А.Вознесенский, Т.В.Гуйда, А.В.Грачев, А.В.Графов, П.Н.Жевтяк, В.И.Колесников, Е.В.Кондратьева, А.С.Козак, Д.С.Моляков, Н.Л.Марголина, П.С.Никольский, В.М.Родионова, М.В.Романовский, Б.М.Сабанти, Р.С.Сайфулин, В.К.Сенчагов, Е.С.Стойнова, Н.Г.Сычев, А.Д.Шереметлар<sup>3</sup> саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг баъзи жихатлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Ўзбекистонда саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг айрим назарий ва амалий жихатлари Э.А.Акрамов, А.В.Ваҳобов, Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов, М.Л.Турсунходжаев, Н.Ҳ.Ҳайдаров, М.Қ.Пардаев, Ш.А.Тошматов, Н.Р.Кузиева, Ж.Зайналов, Н.Хасанов, С.Нажбиддинов, П.Т.Жалилов<sup>4</sup> каби олимлар илмий ишларида ўрганилган.

---

<sup>2</sup> Altman E.I. Financial Ratios, Discriminant Analysis and the Prediction of Corporate Bankruptcy// Journal of Finance. 1968. – P.589-609; Beaver W.H. Financial Ratios and predictors of Failure// Empirical Research in Accounting: Selected Studies. Supplement to Journal of Accounting Research. 1966. -P.77-111; Бриксэм Ю.Ф. Энциклопедия финансового менеджмента: пер. с англ. - 5-е изд. - М.: Экономика, 1998. – 823 с.; Гэлбрейт Дж. Новое индустриальное общество: пер. с англ. М.: Прогресс, 1969. – 480 с.; Бриксэм Ю., Гапенски Л. Финансовый менеджмент. В 2 т. пер. с англ. под ред. В.В. Ковалева. - СПб.: Экономическая школа, 1997. -407 с.; Коллас Б. Управление финансовой деятельностью предприятия. Пер. с франц. - М.: "Финансы", "ЮНИТИ", 1997. -654 с.; Колб Р.В., Родригес Р.Дж. Финансовый менеджмент: учебник. Пер. с 2-го англ. изд. - М.: Финпресс, 2001. – 496 с.; Крейнина М.П. Финансовое состояние предприятия: методы оценки. - М.: ДИС, 1997. - 224 с.; Хеддервик К. Финансовый и экономический анализ деятельности предприятий /Международная организация труда: пер. с англ. Д.П.Лукичева и А.О.Лукичевой / под ред. Ю.Н.Воропаева. - М.: Финансы и статистика, 1996. – 192 с.

<sup>3</sup> Александров А.М., Вознесенский Э.А. Финансы социализма. -М.:Финансы, 1974. –207с.; Бланк И.А. Основы финансового менеджмента. В 2-х т.Т.1.: учеб.курс. - Киев: Ника-Центр, Эльга, 1999. –592 с.; Вознесенский Э.А. Финансы как стоимостная категория. -М.: Финансы и статистика, 1985. –25с.; Гуйда Т.В. Формирование и использование финансовых ресурсов. -М.: МФИ, 1986. -58 с.; Грачев А.В. Анализ и управление финансовой устойчивостью предприятия: от бух. учета к экономическому. Учеб. практ. пособие. -М.:Финпресс, 2002. -208 с.; Графов А.В. Оценка финансово-экономического состояния предприятия // Финансы. -М., 2001. -№7. -С.64-66; Кондратьева Е.В. Анализ финансовой устойчивости предприятия: расчет обобщающего показателя финансовой устойчивости // Экономика и социум на рубеже веков: Сб. тез. участников межвуз. науч. конф. ЧИМГУК – Челябинск, 2004. -С.157-159; Моляков Д.С. Финансы предприятий отраслей народного хозяйства. - М.:Финансы и статистика, 1996. -382 с.; Родионова В.М. Финансы. - М.: Финансы и статистика, 2002. - 456 с.; Финансы предприятий. Учебник / под ред. М.В.Романовского. - СПб.: Бизнес-пресса, 2000. -528 с.; Сабанти Б.М. Теория финансов. Учеб. пособие. -М.: Менеджер, 1998. –168 с.; Финансовый менеджмент: теория и практика / Под ред. Стояновой Е.С. 5-е изд., перераб. и доп. - М.: Перспектива, 2003. - 656 с.; Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. Финансы предприятий. -М.:ИНФРА-М, 1999. –343 с.; Финансовые ресурсы народного хозяйства (проблемы формирования и использования) / Под ред. проф. В.К. Сенчагова. -М.:Финансы и статистика, 1982. –255 с.

<sup>4</sup> Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. - Т.: "Молия", 2003. –223 б.; Ваҳобов А., Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. – Дарслик. – Т.: "Шарк", 2002. – Б. 25–26; Маликов Т.С. Молия: ҳўжалик юритувчи субъектлар молияси. Ўқув кўлланма. –Т.:IQTISOD-MOLIYA, 2009. -288 б.; Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия–солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори...дис. автореферати. –Т.: ДЖҚА, 2005. –46 б.; Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори...дис. автореферати. – Т.:ЎзР БМА, 2008. – 38 б.; Пардаев М.К. Молиявий таҳлил методологияси. – Самарқанд: СамКИ, 1996. -155 б.; Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Иқтисод фанлари доктори...дис. автореферати. – Т.:ЎзР БМА, 2008. –41 б.; Жалилов П.Т. Энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди дисс...автореферати. –Т.:ЎзР БМА, 2007. -20 б.; Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежмент. Т.: "Академия", 1999. –192 б.; Зайналов Ж., Сатторов Т. Корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашнинг

Иқтисодий адабиётда ушбу муаммо устувор даражада алоҳида ташкилот (концерн, уюшмалар ва бошқалар) доирасида ва айрим соҳа йўналишлари (банк тизими, суғурта, молиявий соғломлаштириш ва бошқалар) мисолида тадқиқ этилган. Шунингдек, йирик саноат корхоналари капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш механизмларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни жалб қилишни илмий асослашга қаратилган яхлит, мустақил, махсус тадқиқотларнинг етарли олиб борилмаганлиги ушбу муаммонинг диссертация мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

**Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши республикада олиб борилаётган илмий-амалий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мос келади ва Тошкент Давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади:** иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида йирик саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

- “молиявий барқарорлик” ва “молиявий барқарорликни таъминлаш” тушунчаларининг мазмунига назарий жиҳатдан такомиллашган талқин бериш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

- саноат корхоналари молиявий барқарорлигини баҳолаш ва бошқариш усулларини таҳлил қилган ҳолда молиявий барқарорликни таъминлаш ва уни бошқариш услубияти ва баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

- молиявий барқарорликни таъминлаш нуқтаи-назаридан банкротлик институтларининг шаклланиш сабаблари ва уни юритишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

- республикада саноат тармоқларининг ўзига хос хусусиятлари, таркиби ва ривожланиш ҳолатини тадқиқ этиш, уларнинг саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашга таъсирини аниқлаш;

- молиявий барқарорликни таъминлаш нуқтаи-назаридан нефть-газ ва цемент саноати корхоналари ривожланишининг ҳолатини баҳолаш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

- нефть-газ ва цемент саноати корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг ҳолатини баҳолаш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

- нефть-газ ва цемент саноати корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг ҳолатини баҳолаш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

- нефть-газ ва цемент саноати корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг ҳолатини баҳолаш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

---

назарий асослари // Молия. –Тошкент, 2010. -№2. –Б. 12-17; Хасанов Н., Нажбиддинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш. -Т.:“Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. –224 б.

усулларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар тайёрлаш.

**Тадқиқот объекти** – Ўзбекистон нефть-газ ва цемент саноати корхоналари ҳисобланади<sup>5</sup>.

**Тадқиқот предмети** – нефть-газ ва цемент саноати корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар йиғиндисидан иборат.

**Тадқиқот методлари:** иқтисодий-статистик, молиявий таҳлиллар, гуруҳлаш ва таққослама таҳлил, абстракт-мантикий фикрлаш, эксперт баҳолаш, илмий башоратлаш усулларидан кенг фойдаланилди.

**Тадқиқот гипотезаси:** саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистонда нефть-газ ва цемент саноати корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уни янада мустаҳкамлаш имконини бериши мумкин.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уни баҳолаш учун ўрганилаётган объект (соҳа ва тармоқ)нинг ўзига хос хусусиятлари ва ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш лозимлиги, улар ҳар бирининг бу жараёнга кескин таъсир этиши мумкинлиги асосланди;

- нефть-газ ва цемент саноати корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уни баҳолашнинг мутлақ (мутлақ барқарорлик  $S=\{1,1,1\}$ , меъёрий барқарорлик  $S=\{0,1,1\}$ , беқарор молиявий ҳолат  $S=\{0,0,1\}$ , инқироз шароитидаги молиявий ҳолат  $S=\{0,0,0\}$ ) ва нисбий кўрсаткичлар (молиявий коэффициентлар)га ажратган ҳолда таснифлаш таклиф этилди;

- саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегияси ва таркибий қисмлари ривожланиш босқичлари илмий асосланди ва амалиётда қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- саноат корхоналари рақобат устунликларидан максимал даражада фойдаланишга асосланган ҳолда йирик саноат корхонасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш дастури таклиф этилди;

- саноат корхоналари ихтисослашуви, тармоқ хусусиятлари инobatга олиниб, молиявий барқарорликни таъминлаш, баҳолаш, бошқариш моделлари такомиллаштирилди ва уларни амалиётда қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Илмий янгилиги:**

- бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида “молиявий барқарорлик” ва “молиявий барқарорликни таъминлаш” тушунчаларининг иқтисодий моҳияти очиб берилди ва “корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш” тушунчасига такомиллаштирилган муаллифлик таърифи берилди;

- молиявий барқарорликни таъминлаш ва баҳолаш услубияти корхона ихтисослиги, тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилди;

---

<sup>5</sup> Бундай махсус комбинацияли тарзда тадқиқот объекти танланаётганда, нефть-газ саноати корхоналарининг республикамиз иқтисодий қудратини таъминлашда етакчи ўринга эга эканлиги ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қурилиш материаллари саноати маҳсулотларининг умумий ҳажмида цемент ишлаб чиқаришнинг 75%га етганлигидан келиб чиқилди.

- молиявий барқарорликни таъминлаш ва уни баҳолашнинг янги варианты таклиф этилди ҳамда нефть-газ ва цемент саноати корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш ва баҳолаш кўрсаткичлари таснифланди;

- саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уни бошқаришга муаллифлик ёндашуви берилди ҳамда уни амалга ошириш босқичлари илмий асосланди;

- молиявий барқарорликни таъминлашни эътиборга олиб саноат корхоналари иқтисодий ночорлигини молиявий рисклар ва инқирозлар таъсиридан келиб чиққан ҳолда соғломлаштириш йўллари таклиф этилди;

- мамлакатимизда инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида нефть-газ ва цемент саноати корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилди;

- нефть-газ ва цемент саноати корхоналарининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни баҳоланди, ўзига хос хусусиятлари аниқланди ва уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ушбу тармоқ корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот сотиш рентабеллиги ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг устувор йўналишлари таклиф этилди;

- нефть-газ ва цемент саноати корхоналарининг молиявий барқарорлик ҳолати баҳоланди, ривожланиш тенденциялари аниқланди ва улар молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- молиявий барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи Ўзбекистон нефть-газ ва цемент саноати корхоналарида ўрта ва узоқ муддатли истиқболда маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муқобил сценарий вариантлари бўйича прогноз (башорат) кўрсаткичлари ишлаб чиқилди;

- саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегияси ишлаб чиқилди ва амалиётда қўллаш бўйича тавсиялар берилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасининг илмий аҳамияти – “саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш механизмлари” ва “молиявий барқарорликни таъминлаш” тушунчасининг илмий-услубий асосларини янада такомиллаштириш муаммоларини тадқиқ этиш билан боғлиқ тадқиқотларда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Диссертация ишида олинган ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан саноат корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Молия”, “Корхона молияси”, “Корпоратив молия”, “Молиявий менежмент” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот жараёнида олинган илмий хулоса ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (2010 йил 29 сентябрдаги №ММ/08-01-35-17/489-сонли далолатнома) ва “Ўзқурилишматериаллари” АК (2009 йил 15 октябрдаги №ЭА-01/1580-сонли далолатнома) томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган.

Диссертация ишининг натижаларидан Тошкент давлат техника университети “Иқтисодиёт ва менежмент” факультетида “Молия”, “Корхона молияси”, “Корпоратив молия”, “Молиявий менежмент” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланилмоқда (2010 йил 28 январдаги №04/ - 03-сонли далолатнома).

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Тадқиқот ишининг асосий ғоя ва хулосалари “Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш: тажриба, асосий йўналишлар ва муаммолар” (Тошкент, 2002); “Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш ва тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари” (Тошкент, 2007); XX международные Плехановские чтения (Москва, 2007); “Международный опыт финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане” (Москва, 2008); “Иқтисодий ўсишнинг янги сифати: инновация, рақобатбардошлик, инвестициялар” (Тошкент, 2008); “Инновацион жараёнларни бошқариш: тажриба, муаммо ва истиқболлари” (Тошкент, 2008); “Тадбиркорлик менежменти: назария, амалиёт ва истиқбол” (Тошкент, 2008); “Барқарор иқтисодий ривожланиш: муаммолар, ечимлар” (Андижон, 2008); “Актуальные проблемы развития инновационной деятельности” (Ташкент, 2008); “Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари” (Тошкент, 2008); XXII международные Плехановские чтения (Москва, 2009); “Банк тизимини такомиллаштириш ва тижорат банклари инвестицион фаоллигини ошириш” (Тошкент, 2009); “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: миллий манфаатлар ва инновацион сиёсат” (Тошкент, 2009); “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида молия ва бюджет тизимини такомиллаштириш масалалари” (Тошкент, 2010); “Трансформация экономических отношений в условиях преодоления последствий глобального финансово-экономического кризиса” (Ташкент, 2010); “Green Growth Strategy of SMEs (Small and Medium sized Enterprises) In the New Silk Road Countries” (Korea, 2010) мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган.

Диссертация иши Тошкент Давлат техника университети “Иқтисодиёт ва менежмент” факультети илмий семинарида ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисларида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши натижалари ва асосий ғоялари монография, илмий мақола ва конференция тезислари кўринишида 41 та илмий иш нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Тадқиқот ишининг матни 276 бетдан иборат бўлиб, 10 та жадвал ва 30 та расми ўз ичига олади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

“Молиявий барқарорлик” ва “молиявий барқарорликни таъминлаш” тушунчалари кенг ва кўп қиррали тушунча ҳисобланганлиги боис, уларнинг

иктисодий моҳияти ва талқини, кўрсаткичлар тизими ва уларни таснифлашга нисбатан турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар ҳозирги кунга қадар яхлит тизимга келтирилмаган. Саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уни баҳолаш усулларининг чегаралари, улардан самарали ва оқилона фойдаланиш имкониятлари, шунингдек, атамашунослик, кўрсаткичлар алгоритми ва уларни талқин этиш, мулкчилик ва тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда “молиявий барқарорлик” ва “молиявий барқарорликни таъминлаш”нинг мезонларини тадқиқ этиш долзарб муаммо ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан, ушбу тушунчаларнинг моҳиятини таҳлил қилиш ва коэффицентларини чуқур тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодчи олим А.В.Грачев “молиявий барқарорлик” ва “молиявий барқарорликни таъминлаш”ни ўзининг молиявий мажбуриятларини белгиланган муддатда бажариш учун ресурсларни жамғариш нуқтаи-назаридан кўриб чиққан ҳолда уларни тўлов қобилияти билан боғлайди<sup>6</sup>. Бироқ, “молиявий барқарорлик” ва “молиявий барқарорликни таъминлаш”ни бундай талқин этиш, бизнингча, ресурсларни жамғариш билан фойдани қайта инвестиция қилиш ўртасида танлаш муаммосини келтириб чиқаради. Жумладан, жамғариш сармоянинг йўқотилишига ўхшаш ҳолатдир. “Молиявий барқарорлик” ва “молиявий барқарорликни таъминлаш”ни тезкор бошқариш механизминини таҳлил қилишда унинг ана шундай талқин этилишига йўл қўйиш мумкин. Лекин, “молиявий барқарорлик” ва “молиявий барқарорликни таъминлаш”ни стратегик бошқариш масалаларини ҳал этишда уларнинг моҳиятини тушунишга нисбатан бундай ёндашув, фикримизча, пул маблағларининг нотўғри тақсимланишига ва уларни муқобил инвестициялаш имкониятини кўриб чиқмаган ҳолда пул маблағларини жамғаришга кўмаклашишдан иборат бўлади, холос.

Е.С.Стоянованинг фикрича<sup>7</sup>, ликвидлилик, фаол ишбилармонлик, ресурслардан самарали фойдаланиш, сармоя таркиби ва операцион таҳлил асосидаги коэффицентлар “молиявий барқарорлик” ва “молиявий барқарорликни таъминлаш”нинг энг муҳим коэффицентлари ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, Е.С.Стоянова “молиявий барқарорлик” ва “молиявий бақарорликни таъминлаш”нинг коэффицентларини таклиф этишда корхоналарнинг захиралари ва уларни шакллантириш манбалари билан таъминланганлиги кўрсаткичларини назардан четда қолдирган.

Проф. Т.С.Маликовнинг фикрига кўра<sup>8</sup>, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлиги ва уни таъминлашнинг умумий (автономия коэффициенти, қарз капиталининг концентрациялашуви коэффициенти, қарз ва ўз маблағларининг нисбати коэффициенти) ва нисбий кўрсаткичлар (захира ва харажатларнинг ўз капитали билан таъминланганлик коэффициенти, молиявий мустақиллик коэффициенти, ўз капиталининг манёврилилик коэффициенти) характерлайди.

<sup>6</sup> Грачев А.В. Анализ и управление финансовой устойчивостью предприятия. От бух. учета к экономическому. Учеб. практ. пособие. – М.: Финпресс, 2002. – 208 с.

<sup>7</sup> Финансовый менеджмент: теория и практика / Под ред. Стояновой Е.С. 5-е изд., перераб. и доп. - М.: Перспектива, 2003. - 656 с.

<sup>8</sup> Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Ўқув қўлланма / и.ф.д., проф. А.В. Вахобовнинг умумий таҳрири остида. –Т.: ”IQTISOD-MOLIYA”, 2009. – Б. 254-257.

Н.Хасанов ва С.Нажбиддиновлар<sup>9</sup> фикрича, молиявий барқарорлик ва уни таъминлаш активлардаги ўзининг ва қарз маблағлари нисбати, ўз маблағларини тўплаш суръатлари, ўрта ва узоқ муддатли корхона мажбуриятларининг нисбати, моддий оборот маблағларининг ўз маблағлари билан қанчалик таъминланганлигини баҳолашга асосланади.

Фикримизча, саноат корхоналари молиявий барқарорлиги ва уни таъминлашни илмий ва амалий жиҳатдан асослашда юқорида қайд этилган ҳолатларларнинг барчаси эътиборга молик ҳисобланади.

Тадқиқотлар жараёнида “молиявий барқарорлик” ва “молиявий барқарорликни таъминлаш” тушунчалари ва уларнинг иқтисодий моҳияти назарий ва услубий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинган ҳолда уларга нисбатан қуйидаги тўртта ёндашувнинг мавжудлигини аниқлашимиз мумкин:

- *биринчи ёндашув*: “Молиявий барқарорлик” ва “молиявий барқарорликни таъминлаш”нинг иқтисодий моҳияти талқин қилинаётганда, энг аввало, “молиявий”, “барқарорлик” ва “таъминлаш” тушунчаларининг маъно-мазмунига эътибор бермоқ лозим. Бу ўринларда “молиявий” – “молияга оид, молия жиҳатидан бўлган; пул маблағлари ва уларни тўплаш, тақсимлаш билан боғлиқ бўлган”<sup>10</sup>, “барқарорлик” – “мустаҳкамлик... ҳолати”<sup>11</sup>, “таъминлаш” эса – “бирор нарсанинг амалга ошиши, рўёбга чиқиши, муҳайё бўлиши учун зарур шароит яратмоқ”<sup>12</sup> эканлигига эътибор бериш керак;

- *иккинчи ёндашув*: “молиявий барқарорлик” ва “молиявий барқарорликни таъминлаш”ни аниқлаш молиявий ҳолат кўрсаткичлари: тўловга қодирлик, ликвидлилик, кредитни қайтаришга қодирлик, рентабеллик ва бошқа жиҳатлардан фойдаланишга асосланади. Уларнинг бундай жиҳати тўлов қобилияти ва ишлаб чиқаришда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш тамойилига асосланади;

- *учинчи ёндашув*: корхона “молиявий барқарорлиги” ва унинг “молиявий барқарорлигини таъминлаш”нинг асоси ва моҳияти сармоя таркиби ва қийматини баҳолашни изоҳлашга асосланади. Улар молиялаштириш манбалари таркибида ўз маблағлари салмоғининг етарлигини таъминловчи корхонанинг мустаҳкам молиявий ҳолатини ифодалайди. Бунда ўз маблағлар етарлиги мезони ифодаси муҳим йўналиш ҳисобланади;

- *тўртинчи ёндашув*: бу ёндашув доирасида “молиявий барқарорлик” ва “молиявий барқарорликни таъминлаш”га ташқи ва ички муҳит ўзгаришлари шароитида корхона кўрсаткичларини доимий, бир маромда сақлаб қолиниши кафолати сифатида қаралади. Бунда молиявий барқарорлик ва уни таъминлаш мажбуриятларнинг бузилиши riskини баҳолаш имконини беради ва қарз маблағлари ҳажмига қарамлик ва корхона фаолиятидаги risk даражасини кўрсатади. Молиявий барқарорлик ва уни таъминлашнинг бундай кўринишлари одатда risk муҳити ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган хўжалик юритиш шакллари учун қўлланилади ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари

<sup>9</sup> Хасанов Н., Нажбиддинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш. - Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. – Б. 8.

<sup>10</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.П. Е-М . – Т.: “ЎзМЭ” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.611.

<sup>11</sup> Ўша манба, Ж.І. –Б.173.

<sup>12</sup> Ўша манба. Ж. IV. – Б.29.

корхонанинг банкротликка юз тутиш ҳолатини ҳам белгилаб беради.

Фикримизча, молиявий барқарорлик ва уни таъминлаш: биринчидан, биргина корхона сармоя таркибини эмас, балки, умуман корхона молияси ҳолатини тавсифлайди; иккинчидан, фойда олиш ва қарзларни тўлаш, корхона ўз фаолиятини молиялаш имконияти ва ресурслар айланиш тезлигининг бир маромда ривожланиб боришига асосланган корхоналар фаолиятининг комплекс кўрсаткичидир; учинчидан, корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти натижаларини акс эттиради ҳамда улар ўртасидаги тесқари алоқани ҳисобга олган ҳолда ушбу натижалар уйғунлигининг тизимли жараёнини ўзида намоён этади; тўртинчидан, корхонанинг айланма маблағларини бошқариш орқали сарфланган сармоёга энг юқори даромад олишни таъминлайди.

Иқтисодий адабиётда молиявий барқарорлик ва уни таъминлаш ҳамда уларни баҳолашга нисбатан ёндашувлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, молиявий барқарорлик ва уни таъминлашни илмий асослаш ва унинг кўрсаткичларини таснифлаш учун асосан ўрганилаётган объект (соҳа ёки тармоқ) ўзига хос хусусиятлари ва ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда ёндашишни талаб этади. Тадқиқот объекти ҳисобланган нефть-газ ва цемент саноати корхоналарининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда молиявий барқарорлик ва уни таъминлашни мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар (молиявий коэффициентлар)га ажратган ҳолда таснифлаш мақсадга мувофиқ.


Молиявий барқарорлик ва уни таъминлашни мутлақ кўрсаткичлар тизимини захира ва харажатлар ҳажми ўртасидаги фарқ кўринишида юзага келадиган захира ва харажатларни шакллантирувчи маблағлар манбаларининг ортиқлиги ёки етишмаслиги сифатида умумий талқин этиш мақсадга мувофиқ.

Корхона молиявий ҳолатини кенгроқ акс эттириш мақсадида мутлақ кўрсаткичларга қўшимча сифатида нефть-газ ва цемент саноати корхоналари молиявий барқарорлиги ва унинг таъминланганлигини баҳолаш учун: мутлақ ликвидлилик коэффициенти; тўлов қобилияти (жорий ликвидлилик) коэффициенти; молиявий мустақиллик коэффициенти; ўз ва қарз маблағлар нисбати коэффициенти; ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти; дебиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициенти; кредиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициенти; баланс фойда меъёри коэффициенти; соф фойда меъёри каби коэффициентлар билан чегараланиш зарур.

Юқорида келтирилган молиявий барқарорлик ва уни таъминлашнинг мутлақ ва нисбий кўрсаткичлари орқали нефть-газ ва цемент саноати корхоналари молиявий барқарорлигини оқилона баҳолаш мумкин ва улар корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, уни ошириш бўйича ташкилий-иқтисодий механизмлар ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация ишида тадқиқот объекти ҳисобланган нефть-газ ва цемент саноати ривожланишининг ҳозирги ҳолати чуқур тадқиқ қилинган. Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий ислохотлар стратегияси изчил амалга оширилиши натижасида, Ўзбекистон нефть-газ ва цемент саноати жадал суръатларда ривожланиб бораётган иқтисодиётнинг муҳим тармоғига айланди. Бугунги кунда Ўзбекистон нефть-газ ва цемент саноатининг мамлакат ялпи ички

маҳсулотини яратишдаги улуши 14,6 фоиз, бюджет даромадларининг қарийб 38,1 фоизи, ташқи савдо айланмасида ушбу тармоқларнинг улуши 15,8 фоиз, шу жумладан, экспортда 24,7 фоиз ва импортда 2,5 фоизни ташкил этади, шунингдек, мамлакат барча соҳаларида банд бўлганларнинг 1,16 фоизи ушбу тармоқ улушига тўғри келади (1-расм).



1-расм. Ўзбекистонда нефть-газ ва цемент саноатининг мамлакат иқтисодиётида тугган ўрни<sup>13</sup>

Кўришиб турибдики, ушбу тармоқлар макроиқтисодий жиҳатдан мамлакат иқтисодиётининг барқарор суръатларда ўсишини таъминлашда, ижтимоий жиҳатдан аҳоли даромадлари ва тўлов қобилиятини оширишда муҳим ўринни эгалламоқда.

Таҳлил қилинаётган йилларда нефть-газ саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришда пасайиш тенденцияси кузатилган (табiiй газ бундан мустасно). Амалдаги нефть ва газ қудуқлар фондининг ўзгариши ва қазиб олинаётган углеводородларнинг табiiй камайиши йиллик нефть қазиб чиқаришни 42,0 фоиз, табiiй газнинг 19,5 фоиз ва газ конденсатининг 44,0 фоизга қисқаришига олиб келди. Нефть ва нефть конденсати қазиб чиқариш пасайиши ҳисобига уларни қайта ишлаш ҳажмлари ҳам кескин пасайди. Хорижий давлатлар тажрибасининг кўрсатишича, кўпгина нефть-газ компаниялари нефть ва газ қазиб чиқариш ҳажмини камайтиришни ундан олинadиган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмига кескин таъсир этмаган ҳолда амалга оширмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда нефтьдан олинadиган айрим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Жумладан, ташқи ва ички бозордаги авиакеросинга бўлган талабнинг ошиб бориши ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига сабаб бўлди. Шунингдек, 2001 йилга нисбатан нефть ва нефть конденсатидан техник мой ва битум ишлаб чиқариш ҳам кескин ошди. Буни, асосан, ички бозордаги ушбу маҳсулотга бўлган талабнинг

<sup>13</sup>“Ўзбекнефтьгаз” МХК ва “Ўзқурилишматериаллари” АК маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

ошганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Республикамиздаги цемент саноати корхоналарининг ўртача йиллик ишлаб чиқариш қуввати турлича бўлса-да, бироқ, бу нарса айрим хориж давлатлари ишлаб чиқаришига таққослаганда юқори кўрсаткич ҳисобланади. 2010 йилда цемент ишлаб чиқаришнинг ҳажми корхоналар бўйича қуйидаги кўринишга эга бўлди: “Қизилқумцемент” - 3237,7 минг тонна, “Оҳангаронцемент” – 1952,9 минг тонна, “Қувасойцемент” – 1000,2 минг тонна ва “Бекободцемент” – 865,9 минг тонна. Ушбу корхоналарда 2010 йилда цемент ишлаб чиқариш ҳажми 2001 йилга нисбатан, мос равишда, 2,1 марта, 1,9 марта, 1,9 марта ва 1,3 мартага ўсган.

Цемент саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши ушбу тармоқ корхоналаридаги технологик жараёнларнинг сифат жиҳатдан оширилганлиги, яъни, илғор цементни қадоқлаш ускуналарининг ўрнатилганлиги, цемент таркибига қўшиладиган воситаларнинг ишлаб чиқариш ўзлаштирилиши, нефть ва газ кудуклари учун қўлланиладиган цемент турини ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги билан асослаш мумкин.

Юқоридаги рақамларга асосланган ҳолда нефть-газ ва цемент саноати корхоналари иқтисодий самарадорлигини ва шунга мос равишда, молиявий барқарорлиги ва уни таъминлашни, маҳсулот сотиш рентабеллиги ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари орқали таҳлил қилиб чиқамиз. Таҳлил қилинаётган йилларда корхоналарда маҳсулот рентабеллиги ва меҳнат унумдорлиги кескин ошган.

Таҳлиллар кўрсатишича, нефть-газ ва цемент саноати корхоналари бўйича маҳсулот сотиш рентабеллиги турли йилларда ўзгариб турган. Шу ўринда эътиборга лойиқ бир жиҳат, бу – цемент саноати корхоналарида 2003 йилда маҳсулот сотиш рентабеллиги 9,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2003-2010 йилларда бу кўрсаткич 18,6 фоизли пунктга ошган ва 28,3 фоизга етган. Бу асосан, корхоналардаги модернизация жараёнлари натижасида маҳсулот сифатининг ошганлиги билан асосланади. Бироқ, 2008 йилда жаҳон миқёсидаги молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатлари, хусусан экспортнинг пасайиши ҳисобига корхоналарда маҳсулот сотиш рентабеллиги ўтган йилга нисбатан пасайган. Инқирознинг салбий оқибатлари асосан, нефть-газ саноати корхоналарида кузатилмоқда. Бу эса, ушу корхоналарда инқирозга қарши чоралар дастурини самарали амалга оширишни талаб этади.

Шунингдек, бир ишчи томонидан яратилган маҳсулот қиймати барча корхоналарда 2003 йилга нисбатан кескин ўсган. Жумладан, 2003 йилда бир ишчи томонидан нефть-газ саноати корхоналарида 15,5 млн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йилда ушбу кўрсаткич 68,8 млн.сўмни ташкил қилган ёки 4,4 мартага ўсган. Цемент саноати корхоналарида ушбу кўрсаткич мос равишда 11,6 млн.сўм ва 97,7 млн.сўмни ташкил қилган ёки 8,4 мартага ошган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ташқи ва ички бозорларда рақобатнинг кучайиши шароитида корхоналарнинг молиявий барқарорлиги (ҳолати) ва уни таъминлаш турли хил ташқи омиллар таъсирида ўзгариб турмоқда. Бу эса, корхоналар молиявий (барқарорлигини) ҳолати ва уни таъминлашни доимий таҳлил қилиб бориш ва унга салбий омиллар таъсирини камайтириш ва юмшатиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб

чиқишни талаб этади.

Шундай қилиб, молиявий барқарорлик ва унинг даражаси корxonанинг ўз ва қарз маблағлари билан мутаносиб равишда таъминланганлигига боғлиқ. Таҳлиллар кўрсатишича, цемент саноатида нефть-газ саноати корxonаларига нисбатан ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси юқори бўлмоқда. Жумладан, агар 2003 йилда цемент саноати корxonаларида ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси 75,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб ушбу кўрсаткич қарийб 90 фоизни ташкил қилмоқда.

Шу ўринда, нефть-газ саноати корxonаларида ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси беқарор ҳолда бўлган, жумладан 2003 йилда тармоқ корxonаларининг ўз маблағлари улуши 55,7 фоизни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткичнинг юқори даражаси 2007 йилда 64,8 фоиз бўлган. 2010 йилда тармоқ корxonаларининг ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси ўртача 59,2 фоизни ташкил қилган.

Молиявий барқарорлик ва уни таъминлаш нуқтаи-назаридан таҳлил қилинаётган даврда нефть-газ ва цемент саноати корxonалари соф активларининг устав капиталига нисбатан мос равишда 15,9 ва 24,5 мартага ўсганлиги кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал

### Нефть-газ ва цемент саноати корxonаларининг соф активлари қийматини баҳолаш<sup>14</sup>

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар қиймати					Таҳлил давридаги ўзгариш	
	2003 й.		2004-2009 йй. (ўртача), млн.сўм	2010 й.		(6-сатр-2-сатр), млрд.сўм	(6-сатр-2-сатр), марта
	млрд.сўм	баланс активига нисбатан % да		млрд.сўм	баланс активига нисбатан % да		
1	2	3	4	6	7	8	9
<b>Нефть-газ саноати корxonалари</b>							
1. Соф активлар	1 734,3	55,7	4 871,2	10 447,5	59,2	8 713,2	6,0
2. Устав капитали	306,2	9,8	770,0	1 658,7	9,4	1 352,5	5,4
3. Соф активларнинг устав капиталдан ортиши (1-сатр-2-сатр)	1 428,1	45,8	4 101,2	8 788,8	49,8	7 360,7	6,2
<b>Цемент саноати корxonалари</b>							
1. Соф активлар	58,6	75,1	101,4	1 046,5	89,9	987,9	17,9
2. Устав капитали	1,3	1,7	18,5	256,8	22,1	255,5	198,7
3. Соф активларнинг устав капиталдан ортиши (1-сатр-2-сатр)	57,3	73,5	82,9	789,7	67,9	732,4	13,8

Ушбу омил тармоқ корxonалари молиявий барқарорлигини таъминлашда ижобий омил бўлиб хизмат қилади, яъни, у корxonаларнинг соф активлари меъёрий қиймати талабларини тўлиқ қондиради. 1-жадвал маълумотлари кўрсатишича, нефть-газ ва цемент саноати корxonаларининг соф активлари 8 йил ичида нефть-газ саноатида 6 мартага, цемент саноатида эса 17,9 мартага ортган.

Нефть-газ ва цемент саноати корxonалари молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уни баҳолашнинг нисбий кўрсаткичлари ўз айланма маблағлари ва узоқ муддатли мажбуриятлар манбаларининг мавжудлиги, захира ва харажатлар шаклланишининг асосий манбалари умумий кўрсаткичларига асосланади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, нефть-газ ва цемент саноати корxonаларида ўз айланма маблағларининг етишмаслиги ҳолати кузатилмаган ва аксинча, ушбу

<sup>14</sup>“Ўзбекнефтьгаз” МХК ва “Ўзқурилишматериаллари” АК маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

кўрсаткичларнинг деярли кескин ўсишига эришилган (2-жадвал).

2-жадвал



### Нефть-газ ва цемент саноати корхоналари молиявий барқарорлигининг мутлақ кўрсаткичлари таҳлили

15

Кўрсаткичлар	2003 й.		S (Sh) = [S(± Sho'zam), S(± Sho'zu), S(± Shuk)]	2004-2009 йй. (ўртача), млн.сўм	S (Sh) = [S(± Sho'zam), S(± Sho'zu), S(± Shuk)]	2010 й.		S (Sh) = [S(± Sho'zam), S(± Sho'zu), S(± Shuk)]
	асосий кўрсаткич	ортиқчалик (етишмаслик)				асосий кўрсаткич	ортиқчалик (етишмаслик)	
<b>Нефть-газ саноати корхоналари</b>								
Sho'zam*	353,6	157,5	[1,1,1]	1 125,2	[1,1,1]	3 262,0	2 407,7	[1,1,1]
Sho'zu**	2 021,1	1 825,0		4 538,0		11 158,0	10 303,7	
Shuk***	3 115,0	2 918,9		7 458,9		17 633,0	16 778,7	
<b>Цемент саноати корхоналари</b>								
Sho'zam*	39,2	12,4	[1,1,1]	253,2	[1,1,1]	929,4	643,3	[1,1,1]
Sho'zu**	58,6	31,8		330,3		1 102,0	815,9	
Shuk***	78,0	51,2		374,4		1 163,6	877,5	

Изоҳ: \* - ўз айланма маблағларининг ортиқчилиги ёки етишмаслиги; \*\* - ўз айланма маблағлар ва узоқ муддатли мажбуриятлар манбаларининг ортиқчилиги ёки етишмаслиги; \*\*\* - захира ва харажатлар шаклланишининг асосий манбалари умумий кўрсаткичи ортиқчилиги ёки етишмаслиги.

Ушбу кўрсаткичлар динамикасининг алоҳида нефть-газ ва цемент саноати корхоналари бўйича таҳлил қилиб чиқсак, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. 2- ва 3-расмлардан кўриниб турибдики, бу ерда фақат 2004 йилда ўз айланма маблағларининг етишмаслиги кузатилган.



2-расм. Нефть-газ саноати корхоналари молиявий барқарорлигининг мутлақ кўрсаткичлари динамикаси<sup>16</sup>

3-расм. Цемент саноати корхоналари молиявий барқарорлигининг мутлақ кўрсаткичлари динамикаси<sup>17</sup>

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, биргина “Ўзнефтьгазқазибчиқариш” АКда 2003-2010 йилларда мутлақ молиявий барқарорлик {1,1,1} ҳолати кузатилган. Бу эса, АК томонидан янги нефть ва газ конларини ўзлаштириш ва қазиб олиш ишлари кенгайтириб бораётганлигини кўрсатмоқда.

<sup>15</sup>“Ўзбекнефтьгаз” МХК ва “Ўзқурилишматериаллари” АК маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

<sup>16</sup>“Ўзбекнефтьгаз” МХК маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

<sup>17</sup>“Ўзқурилишматериаллари” АК маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

“Ўзнефтьмахсулот” ва “Ўзтрансгаз” АКларида 2003-2005 йилларда корхона меъерий барқарор молиявий ҳолатда {0,1,1} эканлигини кўрсатмоқда. Буни корхонанинг ўз маблағлари манбалари моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қопланмаган ва унинг қопланмаган қисми асосан қисқа муддатли қарзлар ҳисобига ёпилган. “Ўзнефтьмахсулот” АК 2010 йилгача корхонада мутлақ молиявий барқарорлик ҳолати кузатилган бўлса-да, 2010 йилда меъерий барқарор молиявий ҳолатга {0,1,1} тушиб қолган. “Ўзтрансгаз” АК эса 2006-2010 йилларда мутлақ молиявий барқарорлик ҳолатида бўлган.

Таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида умуман цемент саноати корхоналарида ўз айланма маблағлари етишмаслиги кузатилмаган бўлса-да, биргина “Бекободцемент” ОАЖда 2003 йилдан 2010 йилгача ўз айланма маблағлари тақчил бўлган. Бу эса, корхонанинг 2003 йилда беқарор молиявий ҳолатда {0,0,1} эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу ҳолатнинг асосий сабаблари корхонада молиявий назоратнинг издан чиқиши, шунингдек, молиявий режаларнинг бажарилмаслиги, сотилган маҳсулотлар учун тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилмаганлиги ва тушумлардаги узилишлар, ўз маблағлари билан таъминланганлик даражасининг пастлиги, дебиторлик қарзларининг ошиши ва захиралар айланишининг сусайганлигидан иборат.

Сўнгги йилларда корхонада ўз маблағлари билан таъминлашга катта эътибор қаратилганлиги ҳисобига 2007 йилда корхонада мутлақ барқарорлик {1,1,1} ҳолати юзага келди. Маълумки, ушбу ҳолат корхона ўз маблағларидан ички эҳтиёжларини қондириш билан бирга, ортиқча қисмидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтирган ва бошқа эҳтиёжларни қоплашга ҳам сарфлаганлигини кўрсатмоқда. Бироқ, 2008 йил юзага келган молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсири остида корхонада 2008-2010 йилларда меъерий барқарорликнинг {0,1,1} ҳолати кузатилган.

“Оҳангаронцемент” ОАЖда молиявий стратегия такомиллаштирилганлиги ҳисобига 2006-2010 йилларда корхонада мутлақ молиявий барқарорлик {1,1,1} ҳолати таъминланган ва ўз маблағларидан корхона ички эҳтиёжларини қондириш билан бирга, ортиқча қисмидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтирган ва бошқа эҳтиёжларни қоплашга ҳам сарфлаганлигини кўрсатмоқда.

“Қизилқумцемент” ОАЖда ҳам таҳлил қилинаётган йилларда мутлақ молиявий барқарорлик {1,1,1} ҳолати кузатилган. Бу эса, корхонанинг барқарор фаолият юритаётганлиги ва ишлаб чиқаришни кенгайтириб бораётганлигидан далолат беради.

Рақамлар “Қувасойцемент” ОАЖда 2003 ва 2005 йилларда корхона меъерий молиявий ҳолатда {0,1,1} эканлигини кўрсатмоқда. Бундай ҳолат шу билан изоҳланадики, корхонанинг ўз маблағлари манбалари моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қопламаган ва унинг қопланмаган қисми асосан қисқа муддатли қарзлар ҳисобига таъминланган. Сўнгги йилларда корхонада мутлақ молиявий барқарорлик {1,1,1} ҳолатига эришилди ва ўз маблағларидан корхона ўз эҳтиёжларини қондириш билан бирга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эришган.

Нефть-газ ва цемент саноати корхоналари молиявий барқарорлиги ва уни таъминлашни баҳолашнинг нисбий кўрсаткичлари таҳлилидан умумий хулоса

қуйидагидан иборат: сўнгги йилларда барча таҳлил қилинаётган корхоналарда мутлақ молиявий барқарорлик ҳолати кузатилмоқда. Бу, бир томондан, ижобий ҳолат эканлигини кўрсатса, иккинчи томонидан, корхоналар цемент ишлаб чиқариш ва сотиш борасида монопол ҳолатга эга, шунингдек, корхона раҳбарияти асосий фаолиятни юритиш учун ташқи маблағлардан фойдаланмаяпти.

Нефть-газ ва цемент саноати корхоналари молиявий барқарорлиги ва уни таъминлашни баҳолашнинг нисбий кўрсаткичлари таҳлилидан қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

- биринчидан, нефть-газ саноати корхоналарида мутлақ ва жорий ликвидлилик коэффициенти меъёрий даражадан пастлигича қолмоқда. Хусусан, корхоналарда қисқа муддатли мажбуриятлар ҳажми пул маблағлари ва айрим йиллардаги жорий активларга нисбатан анча юқори. Бу эса, корхонада молиявий менежмент самарали ташкил этилмаганлигини кўрсатса, иккинчидан, таъминотчилар (иш ва хизматлар) томонидан турли хил эътирозларни келтириб чиқариши мумкин;

- иккинчидан, молиявий мустақиллик коэффициенти нефть-газ саноати корхоналарида 0,56-0,59, цемент саноати корхоналарида эса 0,75-0,90 оралиғида бўлган. Агар ушбу кўрсаткичнинг оптимал қиймати (0,65-0,75) билан қиёслайдиган бўлсак, унга цемент саноати корхоналари кўпроқ мос келганлигини қайд этиш жоиз;

- учинчидан, нефть-газ ва цемент саноати корхоналарининг ўз ва қарз маблағлари нисбати коэффициенти таҳлил қилинаётган даврда меъёрий даражадан юқори бўлган. Ушбу кўрсаткич цемент саноати корхоналарида 2010 йилгача барқарор суръатларда ўсган, бироқ, 2010 йилда бир оз пасайиш ҳолати кузатилган. Ушбу кўрсаткич даражаси активлар таркиби, улардан фойдаланиш самарадорлиги, даромадлилиги ва корхонанинг ихтисослашуви каби омилларга бевосита боғлиқдир;

- тўртинчидан, таҳлил қилинаётган йилларда ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти нефть-газ ва цемент саноати корхоналарида пасайиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан, агар 2003 йилда нефть-газ саноати корхоналарида ўз айланма маблағлар билан таъминланганлик 0,87 ни, цемент саноати корхоналарида эса 0,80 ни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб ушбу кўрсаткич мос равишда 0,55 ва 0,57 га етган ва 0,32 ва 0,23 пунктга пасайган. Бу меъёрий кўрсаткичга нисбатан юқорироқ бўлсада, бироқ унга яқинлашаётганлигини ҳам қайд этиш лозим;

- бешинчидан, ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида дебиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициенти барча корхоналарда турли даражада бўлган. Кредиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициенти эса барча корхоналарда барқарор ўсган. Бу эса, корхоналарнинг кредиторлик қарзларини ўз вақтида тўлаб бораётганлигини кўрсатади. Қиёсий таҳлиллар кўрсатишича, нефть-газ саноати корхоналарида бу кўрсаткич цемент саноати корхоналарига нисбатан паст бўлган;

- олтинчидан, баланс фойда меъёрий коэффициенти барча корхоналарда барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бундан барча корхоналарда ишлаб чиқариш харажатларини бошқариш менежменти яхши йўлга қўйилган ва бу

пировардида корхоналарнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминламоқда, деган хулосага келиш мумкин. Шу билан бир қаторда, соф фойда меъёрий коэффиценти 2007 йилгача цемент саноати корхоналарида барқарор ўсган бўлса-да, 2008 йилга келиб кескин пасайган. Шунингдек, нефть-газ саноати корхоналарида соф фойда меъёрий коэффиценти 2009 йилга қадар турли даражаларда ўсган, бироқ, 2010 йилда пасайган. Бу ҳолатга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири сифатида қараш мумкин. Мулкдорлар учун бу кўрсаткичнинг пастлиги салбий ҳисобланади.

Маълумки, жаҳон миқёсида содир бўлган молиявий-иқтисодий инқироз деярли ҳар бир давлат иқтисодиётига бевосита таъсир кўрсатди. Айрим давлатларда иқтисодий ўсиш суръатлари кескин пасайди. Бундай шароитда нафақат молиявий соҳа, балки, иқтисодиётнинг реал секторида ҳам ишлаб чиқариш ва савдо ҳажмининг пасайиши кузатилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг нефть-газ саноатига салбий таъсирини камайтириш ва тармоқни барқарор ривожлантириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ: а) нефть-газ корхоналарининг жорий фаолият мустаҳкамлигини сақлаб қолиш; б) ўз активларини ҳимоя қилиш; в) компания фаолияти, шунингдек, пудратчи ташкилотлар самарадорлигини ошириш; г) транспорт харажатлари ва логистикани мақбуллаштириш; д) углеводородлар қазиб олишни жуғрофий жиҳатдан диверсификация қилиш; е) устувор ҳудудларда сотиш шохобчаларини танлаб олган ҳолда ривожлантириш, анъанавий ҳудудларда эса активларни модернизация қилиш ва маҳсулот брендини олдинга суриш орқали самарадорликка эришиш.

Ўз навбатида, жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, цемент саноатининг барқарор суръатларда ўсиши ва фаолият юритиши таъминланишининг қуйидаги йўналишларда қўллаб-қувватланиши мақсадга мувофиқ: а) тижорат банкларидан олинган экспорт кредитларининг фоиз ставкаларини субсидиялаш ҳажмини ошириш; б) давлат ва маҳаллий бюджет ҳисобига уй-жой қурилиш дастурини ишлаб чиқиш, жумладан, бунда цемент ишлаб чиқарувчи билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш асосида маҳсулот етказиб бериш тизимини таъминлаш; в) цемент ишлаб чиқаришда саноатнинг бошқа тармоқлари чиқиндилари ва иккиламчи энергия ресурсларидан фойдаланган корхоналарга экология тўловлари бўйича имтиёзлар бериш юзасидан меъёрий ҳужжатлар тайёрлаш ва амалиётга татбиқ этиш; г) корхоналарда «энергия тежаш – унумдорлик – сифат» тизимини жорий қилиш ва унга қатъий амал қилиш.

Илмий ишда нефть-газ ва цемент саноати корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиш мақсадида ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган ривожланишнинг муқобил вариантлари сценарийлари прогноз (башорат) кўрсаткичларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилган. Бунда прогноз (башорат) кўрсаткичлари инерцион ва мобилизацион сценарийларга ажратилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган. Инерцион сценарийнинг моҳияти нефть-газ ва цемент саноатини ривожлантириш бўйича амалдаги иқтисодий ислохотлар, соҳадаги таркибий ўзгаришларнинг охириги йиллардаги таркиби ва кўрсаткичлари, уларга таъсир этувчи омилларнинг ўзгармаслигини сақлаб қолишдан иборат.

Мобилизацион сценарий эса нефть-газ ва цемент саноати ривожланишига таъсир этувчи омиллардан самарали фойдаланиб қолмасдан, уларни жадаллаштириш, тармоқларни қазиб олиш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларига инновацион технологияларни кенг кўламда жорий қилиш, захиралардан оқилона фойдаланиш, корхоналар қувватларидан максимал даражада фойдаланиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва уни давлат томонидан ҳуқуқий, иқтисодий қўллаб-қувватлаш, тармоқлар экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни назарда тутди.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, инерцион сценарий бўйича нефть-газ ва цемент саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш даражасининг кескин ўсиши кузатилмайди. Жумладан, қисман ўсиш цемент (16,6%) ва айрим нефть ва газдан қайта ишланган маҳсулотлар (15,4%) ишлаб чиқариш ҳамда табиий газ (11,5%) қазиб олишда кузатилади. Бошқа маҳсулот сегментларида эса, ўсиш даражаси пастлигича қолади (3-жадвал).

3-жадвал

**Нефть-газ ва цемент саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг инерцион сценарий прогноз (башорат) кўрсаткичлари**<sup>18</sup>

Маҳсулот турлари	Ҳақиқатда (2010 й.)	Инерцион сценарий				2020 йилда 2010 йилга нисбатан %да
		Прогноз (ўртача 2011-2013 йилларда)	Прогноз (2015 й.)	Прогноз (ўртача 2016-2019 йилларда)	Прогноз (2020 й.)	
Нефть, минг тн.	2 017,9	2 029,1	2 033,1	2 037,3	2 038,5	101,0
Табиий газ, млрд.куб.м.	66,0	67,9	69,8	71,7	73,6	111,5
Конденсат, минг тн.	2 020,1	2 054,7	2 092,1	2 129,3	2 176,6	107,7
Бензин, минг тн.	1 413,5	1 446,5	1 480,0	1 512,7	1 548,2	109,5
Дизел ёқилғиси, минг тн.	1 109,8	1 128,1	1 148,9	1 172,7	1 198,9	108,0
Нефть-газдан қайта ишланган бошқа маҳсулотлар, минг тн.	1 940,2	2 006,7	2 076,9	2 160,9	2 239,9	115,4
Цемент, минг тн.	7 058,2	7 402,6	7 728,4	7 998,4	8 228,7	116,6

Инерцион сценарий натижалари шуни кўрсатмоқдаки, истиқболда саноат тармоқларининг жадал ривожланиши, аҳолининг кўпайиб бориши, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг энергия ресурсларига бўлган талабининг ошиши, турар-жойга бўлган эҳтиёж, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини ошириш муаммолари кучайиб боришини инobatга олган ҳолда мазкур сценарий истиқболда юқорида келтирилган муаммоларни тўлиқ ҳал эта олмайди.

Нефть-газ ва цемент саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг мобилизацион сценарийси ҳисоб-китобларига кўра, истиқболда нефть қазиб чиқаришнинг 167,2 фоизга ўсиши кутилмоқда. Шунингдек, нефть-газ саноатида маҳсулотни қайта ишлашга устуворлик берилиши ҳисобига чуқур қайта ишланган - инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг қарийб 2 мартага ошиши кутилмоқда (4-жадвал).

<sup>18</sup>“Ўзбекнефтогаз” МХК ва “Ўзқурилишматериаллари” АК маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

**Нефть-газ ва цемент саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб  
чиқаришнинг мобилизацион сценарий прогноз (башорат) кўрсаткичлари<sup>19</sup>**

Маҳсулот турлари	Ҳақиқатда (2010 й.)	Мобилизацион сценарий				2020 йилда 2010 йилга нисбатан %да
		Прогноз (ўртача 2011-2013 йилларда)	Прогноз (2015 й.)	Прогноз (ўртача 2016-2019 йилларда)	Прогноз (2020 й.)	
Нефть, минг тн.	2 017,9	2 085,1	2 155,7	2 619,8	3 374,6	167,2
Табиий газ, млрд.куб.м.	66,0	74,3	83,5	91,8	82,2	124,7
Конденсат, минг тн.	2 020,1	2 231,2	2 461,3	2 723,5	2 720,7	134,7
Бензин, минг тн.	1 413,5	1 467,9	1 525,0	1 586,6	1 651,4	116,8
Дизел ёқилғиси, минг тн.	1 109,8	1 166,8	1 227,1	1 292,6	1 361,8	122,7
Нефть-газдан қайта ишланган бошқа маҳсулотлар, минг тн.	1 940,2	2 233,7	2 563,5	2 956,7	3 399,1	175,2
Цемент, минг тн.	7 058,2	8 003,6	9 177,2	11 330,9	14 986,6	212,3


Юқорида келтирилган ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики, нефть-газ ва цемент саноати корхоналарининг барқарор ривожланиши корхоналарнинг самарали молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегияси ишлаб чиқилиши билан бевосита боғлиқ.

Диссертацион тадқиқотда саноат корхонаси молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегияси, дастурлари ва режаларининг узвий боғлиқлиги асослаб берилган (4-расм).

Юқорида келтирилган омилларга асосланган ҳолда саноат корхоналарида ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган молиявий барқарорликни таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Саноат корхонасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш дастури молиявий барқарорликни таъминлаш чора-тадбирларининг кўп поғонали таркибий тузилиши ва уни ресурслар билан таъминлаш асосида ишлаб чиқилиши лозим. Саноат корхонасининг молиявий барқарорлигига эришишнинг муқобил йўллари мазкур дастур тадбирларини ресурслар билан таъминлаш ва улар ўртасидаги алоқалар доирасида ўзаро боғланган бўлиши лозим. Юқоридагиларга асосланган ҳолда, саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш дастури қуйидаги кўринишга эга (5-расм).

Саноат корхонасининг иқтисодий салоҳияти ва ундан фойдаланиш имкониятларини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар дастурини амалга оширишда корхонанинг молиявий барқарорлигини ресурслар билан таъминловчи омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Саноат корхонасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш дастури тадбирлари мақсадлар, шароитлар ва ресурслар бўйича ўзаро боғланган. Дастур тадбирлари корхонани ривожлантириш стратегиясининг мақсадига эришиш учун корхонанинг фойдаланилмаётган қирралари, молиявий тақчилликка сабаб бўлаётган омилларни аниқлаш ва қўйилган стратегик вазифани ҳал этишни таъминловчи вариантли ҳисоб-китобларни амалга ошириш заруриятини белгилаб беради.

<sup>19</sup>“Ўзбекнефтьгаз” МХК ва “Ўзқурилишматериаллари” АК маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.



4-расм. Саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегияси, дастурлари ва режаларининг узвий боғлиқлиги<sup>20</sup>


Тадқиқот ишида корxonанинг молиявий барқарорлигини моделлаштиришда баланс нисбатлари асосида ишлаб чиқилган<sup>21</sup> баланс ҳисобини, солиқ солишни, суғурталашни, молиявий маълумотларга ишлов беришни самарали амалга ошириш имконини берувчи<sup>22</sup> корxonаларнинг математик–молиявий моделларидан биринчилардан бўлиб фойдаланилди. Ушбу моделлардан фойдаланишда таҳлилий вазифалар одатда марказлашган тарзда ҳал этилади, корxonанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш вазифалари эса ушбу ҳолатда мустақил вазифа сифатида кўриб чиқилади. Уларни иккита босқичда автоматлаштириш орқали ҳал этиш мумкин. Биринчи босқичда бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича дастлабки

<sup>20</sup>Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

<sup>21</sup>Hahn D., Untemehmungsziele im Wandel, in: Untemehmerischer Wandel, Gomez P. / Hahn D. / Müller-Stewens G. / Wunderer R.(Hrsg), Unternehmerischer Wandel. Konzepte zur organisatorischen Erneuerung – Knut Bleicher zum 65. Geburtstag, Wiesbaden, 1994. -P.59-83.

<sup>22</sup>Уткин Э.А., Мырынюк И.В. Контроллинг: российская практика. -М.:Финансы и статистика, 1999. -272 с.; Küpper H.U. Notwendigkeit der theoretischen Fundierung des Controlling, in: Scherm E./Pietsch G. [Hrsg.]: Controlling - Theorien und Konzeptionen, München, 2004. -P.23-40; Weber J./Schäffer U. Controlling als Koordinationsfunktion?, in: Kostenrechnungspraxis (krp), 44 (2000), 2, -P. 109-117.

ахборотга автоматлаштирилган тарзда ишлов бериш назарда тутилади, иккинчи босқичда эса олинган ахборот корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш интеграциялашган тизимида фойдаланилади.



5-расм. Саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш дастури<sup>23</sup>

Фикримизча, ушбу тизимда молиявий стратегия таркибининг модели ва корхонанинг асосий молиявий-иқтисодий имитацион модели алоҳида роль ўйнайди. Уларнинг асосида иқтисодий жараёнларни моделлаштириш бўйича олиб борилган илмий ишлар ётади<sup>24</sup>.

<sup>23</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

<sup>24</sup> Емельянов А.А, Власова Е.А., Дума Р.В. Имитационное моделирование экономических процессов. Учебное пособие. - М.:Финансы и статистика, 2002. - 368 с.; Негашев Е.В. Анализ финансов предприятия в условиях рынка. -М.:Высшая школа, 1997. - 195 с.; Раяцкас Р.Л., Плакунов М.К. Экономические догмы и управленческая реальность. -М.:Экономика, 1991. - 207 с.; Томас Р. Количественные методы анализа хозяйственной деятельности. Пер. с англ. -М.:Дело и Сервис, 1999. - 432 с.

Корхонанинг молиявий барқарорлигини баҳолаш модели қуйидаги кўринишга эга бўлиши мумкин:

$$SF = (1 - F_s) \times (N_1 \times PSh_1 + N_2 \times PSh_2 + N_3 \times PSh_3 + N_4 \times PSh_4 + N_5 \times PSh_5 + D) \rightarrow \max$$

$$PSh = PSh_1 + PSh_2 + PSh_3 + PSh_4 + PSh_5 \quad (1)$$

$$MSF = (N_i \times SM_q + ICh_x \times N_{i.ch} - T_j) \times (1 - F_s) \quad (2)$$

$$IChS_i \times ICh N_i \rightarrow \min \quad (3)$$

$$SF = F_1 + F_2 + F_3 \quad (4)$$

бу ерда:  $SF$  – соф фойда,  $F_s$  – фойда солиғи,  $D$  – харажатлар чегирма қилинган ҳолда амалга оширилгандан ташқари олинган даромадлар миқдори,  $PSh$  – буюртмалар умумий портфелининг миқдори,  $PSh_1$  – портфельнинг шартнома тизими доирасида давлат буюртмаси бажарилиши билан боғлиқ қисми,  $PSh_2$  – портфельнинг маҳаллий буюртмаси бажарилиши билан боғлиқ қисми,  $PSh_3$  – портфельнинг шартнома (бозор) қийматида сотиладиган қисми,  $PSh_4$  – корхоналар портфелининг бир қисми,  $PSh_5$  – портфельнинг бошқа сотувларни тавсифловчи бошқа қисми,  $N_1, N_2, N_3, N_4, N_5$  – тайёр маҳсулотлар нархлари ва ресурслар нархлари векторларидан таркиб топган портфельнинг тегишли қисмлари бўйича нархлар векторлари,  $F_1$  – дивидендларни тўлаш учун йўналтириладиган фойда (истеъмол фонди),  $F_2$  – инвестицияларга йўналтириладиган фойда,  $F_3$  – захира сармояси ва тақсимланмаган фойда,  $MSF$  – маҳсулотни сотишда олинган солиқдан кейинги фойда,  $N_i$  – муайян турдаги маҳсулот бирлигининг нархи,  $SM_q$  – сотилган маҳсулот бирликларининг миқдори,  $IChS_i$  – ишлаб чиқариш  $i$ -омилининг умумий сони,  $IChN_i$  – ишлаб чиқариш  $i$ -омили бирлигининг нархи,  $T_j$  – қайд этилган (доимий) тўловлар.

Кўрсатилган моделлардан фойдаланиб, моделлаштириш жараёнида соф ва баланс фойданинг турли кўрсаткичларига эга бўлиш мумкин. Корхона баланс фойдасининг асосида:

- давлат буюртмаси (шартнома; маҳаллий шартнома; бозор шартномаси);
- холдинг (молия-саноат гуруҳи) корхонаси билан шартнома;
- бошқа сотувлар;
- сотишдан ташқари операциялар бўйича фойда ётиши мумкин.

Фойданинг миқдорига буюртмалар портфелининг ҳажми – корхона томонидан маълум вақт мобайнида ёки маълум санада олинган буюртмалар йиғиндиси таъсир кўрсатади. Буюртмалар портфели муайян корхонанинг имконияти, унинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси, бозордаги ўрни ва ривожланиш истикболларини тавсифлайди. Агар корхона фойда кўриб ишлашининг шarti бажарилса, у молиявий мувозанат ҳолатида бўлади, бунда олинган фойда солиқларни тўлаш, зарур инвестицияларни амалга ошириш ва дивиденд тўловлари учун етарли бўлади.

Буюртмалар портфелининг таҳлили молиявий барқарорликни таъминлашга таъсир кўрсатувчи муҳим кўрсаткичлар: фойда, ликвидлик, риск ва бошқаларни мувозанатлаштириш имконини беради. Шунинг учун корхона ривожланиш

стратегиясини таҳлил қилишда унинг молиявий барқарорлигини таъминлашни моделлаштириш муҳим роль ўйнайди. Корхонанинг ривожланиш стратегиясини таҳлил қилишдан олдин унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш моделини тузиш объектив заруратдир. Таклиф этилаётган модел қуйидаги кўринишга эга:

$$F_{mb} = K_l \times K_{mk} \times K_{\text{б}y} \times K_{\text{д}a} \times K_{ml} \quad (5)$$

бу ерда:  $K_l$  - корхонанинг ликвидлилик коэффициенти,  $K_{mk}$  - корхонанинг молиявий қарамлик коэффициенти,  $K_{\text{б}y}$  - корхонанинг бозордаги улуши,  $K_{\text{д}a}$  - корхонанинг доимий активлар коэффициенти,  $K_{ml}$  - корхонанинг молиявий левереж (дастак) коэффициенти.

Буюртмалар портфелини баҳолаш бозорнинг корхона томонидан назорат қилинадиган улуши кўрсаткичи бўйича ҳам амалга оширилиши лозим. Танланган мақсадларга қараб, у қуйидаги стратегияларни амалга ошириши мумкин: бозор улушини кўпайтириш; бозор улушини тўхтатиб қўйиш; бозор улушини қисқартириш.

Юқорида келтирилган модель алоҳида ҳисоб-китоб элементлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни, шунингдек, ҳар бир элемент бўйича корхонанинг фаолият кўрсатиши самарадорлигини ошириш захиралари мавжудлигини белгилаш, молиявий манбалар имкониятларидан фойдаланиб, активлар даражасини ошириш имконини беради ва унинг ёрдамида бухгалтерия фойдасини таҳлил қилишдан иқтисодий фойдани таҳлил қилишга ўтиш мумкин. Шу билан бирга, ушбу модель муайян шароитда иш бермаслиги мумкин ва шунинг учун уни қўллашда албатта, корхонанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш талаб қилинади.

Фикримизча, корхонанинг молиявий ҳолатини башорат қилиш ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлашни баҳолашнинг кўриб чиқилган усуллари ва моделларидан фойдаланишда айрим камчиликлар мавжуд:

1. Икки-уч омилли моделлар етарли даражада аниқ эмас, чунки, улар кам сонли омилларни ҳисобга олади.

2. Альтман ва Бивер моделларида вазн коэффициентлари ва кўрсаткичлар даражалари АҚШ статистика маълумотлари асосида ишлаб чиқилган. Улар Ўзбекистондаги иқтисодий вазиятнинг ўзига хос хусусиятларига мос келмайди.

3. Ривожланган мамлакатлар билан солиштирилганда Ўзбекистондаги иқтисодий вазиятнинг ўзига хослиги корхоналар молиявий ҳолатини ва уларнинг банкрот бўлиши эҳтимолини прогноз қилиш моделлари ва услубиётларидан фойдаланиш лозим бўлган молиявий кўрсаткичларга ҳам таъсир кўрсатади.

4. Корхонанинг молиявий ҳолатини прогноз (башорат) қилиш даври кўриб чиқилган усуллар ва моделларда уч ойдан беш йилгача бўлган муддатни ташкил қилади. Уларнинг айримларида прогноз (башорат) қилиш муддати умуман ҳисобга олинмайди. Корхонани ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун икки йилдан кам бўлган прогноз (башорат) қилиш давридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлашни прогноз (башорат) қилишнинг энг қулай муддати, фикримизча, беш йиллик даврдан иборат.

5. Аксарият моделларда молиявий барқарорликни таъминлашни баҳолаш мезонларининг тизимида, асосан, корхонанинг ликвидлилик кўрсаткичи қўлланилади. Корхона молиявий фаолиятининг бошқа кўрсаткичлари (рентабеллик, айланувчанлик, сармоя таркиби ва бошқалар), одатда, ҳисобга олинмайди.

6. Айрим усуллар ва моделларда юқори корреляцияга ёки ўзаро функционал боғлиқликка эга бўлган кўрсаткичлардан фойдаланилади. Корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашни баҳолаш ва бошқариш моделлари билан бир қаторда молиявий стратегияни ёритувчи моделлар мажмуига инвестиция модели, дивиденд модели, биржа модели, суғурталаш модели, жарима модели ва корхона иқтисодий фаолиятининг бошқа моделлари ҳам киритилиши керак.

Корхонани бошқариш органлари томонидан ҳал этиладиган таҳлилий вазифалар ҳажмини қисқартириш мақсадида, бизнингча, айрим таҳлилий қарорларни тайёрлаш вазифасини яқка тартибдаги маслаҳатчилар ёки консалтинг корхоналарига топшириш лозим. Бундай ишларни четга топшириш ташқи маслаҳатчилар сифат жиҳатдан яхшироқ ва янада қулай молиявий шартларни таклиф этган тақдирда мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Улар ҳисоблаш техникаси ёрдамида корхона молиявий барқарорлигини таъминлашни бошқаришнинг янги механизмини ишлаб чиқишлари ёки ишлаб турган механизмни такомиллаштиришлари, шунингдек, уни мазкур корхона ходимлари билан биргаликда жорий қилишлари мумкин.

## ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий **хулосалар** олинди:

1. Иқтисодий адабиётда молиявий барқарорлик ва уни таъминлашни изоҳловчи қуйидаги ёндашувлар мавжуд: 1) “Молиявий барқарорлик” ва “молиявий барқарорликни таъминлаш”нинг иқтисодий моҳияти талқин қилинаётганда, энг аввало, “молиявий”, “барқарорлик” ва “таъминлаш” тушунчаларининг маъно-мазмунига эътибор бермоқ лозим. Бу ўринларда “молиявий” – “молияга оид, молия жиҳатидан бўлган; пул маблағлари ва уларни тўплаш, тақсимлаш билан боғлиқ бўлган”, “барқарорлик” – “мустаҳкамлик... ҳолати”, “таъминлаш” эса – “бирор нарсанинг амалга ошиши, рўёбга чиқиши, муҳайё бўлиши учун зарур шароит яратмоқ” эканлигига эътибор бериш керак; 2) молиявий барқарорлик ва уни таъминлашни аниқлашда молиявий ҳолатни ифодаловчи а) тўлов қобилиятига эга бўлиш; б) ликвидлилик; в) кредитни қайтаришга қодирлик; в) рентабеллик кўрсаткичларидан фойдаланиш лозим. Молиявий барқарорлик ва уни таъминлашнинг бундай жиҳати ишлаб чиқаришда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш тамойилига риоя қилган ҳолда тўлов қобилиятига эга талабни қондириш билан боғлиқ; 3) корхона молиявий барқарорлиги ва унга эришишнинг асоси ва моҳияти сармоя таркиби ва қиймати баҳоланишини изоҳлашга асосланади. У молиялаштириш манбалари таркибида ўз маблағлари салмоғи етарлилигини таъминловчи корхонанинг мустаҳкам молиявий ҳолатини ифодалайди. Бунда ўз маблағлари етарлилиги мезони ифодаси муҳим йўналиш ҳисобланади; 4) молиявий барқарорлик ва уни таъминлашга ташқи ва ички муҳит ўзгаришлари шароитида корхона кўрсаткичларини доимий, бир маромда сақлаб қолиниши кафолати сифатида қаралади. Бунда молиявий

барқарорлик ва уни таъминлаш мажбуриятларнинг бузилиши рискени баҳолаш имконини беради ва қарз маблағлари ҳажмига қарамлик ва корхона фаолиятидаги риск даражасини кўрсатади. Молиявий барқарорликни таъминлашнинг бундай кўриниши одатда, риск муҳити ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган (асосан, реал сектор корхоналари) хўжалик юритиш шакллари учун қўлланилади ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари корхонани банкротликка юз тутиш ҳолатини ҳам белгилаб беради.

Фикримизча, молиявий барқарорлик ва уни таъминлаш а) биргина корхона сармоя таркибини эмас, балки, умуман корхона молияси ҳолатини тавсифлайди; б) фойда олиш ва қарзларни тўлаш, корхона ўз фаолиятини молиялаш имконияти ва ресурслар айланиш тезлигининг бир маромда ривожланиб боришига асосланган корхоналар фаолиятининг комплекс кўрсаткичидир; в) корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти натижаларини акс эттиради ҳамда улар ўртасидаги тесқари алоқани ҳисобга олган ҳолда ушбу натижалар уйғунлигининг тизимли жараёнини ўзида намоён этади; г) корхонанинг айланма маблағларини бошқариш орқали сарфланган сармоёга энг юқори даромад олишни таъминлайди.

2. Молиявий барқарорлик ва уни таъминлашни таҳлил қилишнинг қуйидаги моделларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: дескриптив - бухгалтерия ҳисоботи маълумотларидан фойдаланишга асосланган таърифловчи моделлар; предикатив – жорий ва истиқбол прогноз (башорат) баҳоларини шакллантириш учун фойдаланиладиган прогноз (башорат) моделлар; меъёрий - амалдаги натижаларни асосан ички молиявий таҳлилда фойдаланиладиган кутилаётган натижалар билан таққослаш моделлари.

3. Молиявий барқарорлик ва уни таъминлашни илмий асослаш ва унинг кўрсаткичларини таснифлаш учун, асосан, ўрганилаётган объектнинг (соҳа ёки тармок) ўзига хос хусусиятлари ва ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда ёндашишни талаб этади. Тадқиқот объекти ҳисобланган нефть-газ ва цемент саноати корхоналарининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда молиявий барқарорликни таъминлашнинг мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар (молиявий коэффицентлар)га ажратган ҳолда таснифлаш зарур.

4. Молиявий барқарорлик ва уни таъминлашни бошқаришнинг илмий асосларидан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, молиявий барқарорликни бошқариш корхона молиявий тизимини маълум бир ҳолатдан бошқа аниқ вақтда корхона молиявий ҳолатига таъсир этувчи жараён ёки объектга мақсадли йўналтирилган таъсир этувчи ҳолатга ўтказиш ёки бу жараённи қўллаб-қувватлашдир.

5. Саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун хорижий давлатлар тажрибаси, банкротликка оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва амалиётлар, маҳаллий бозорлар ҳолати ва унинг истиқболдаги ривожланишини таҳлил қилган ҳолда банкротлик механизми концепциясини ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг кўламда жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Концепцияни қабул қилиш билан бир қаторда унинг ҳуқуқий базасини яратиш ва ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш лозим. Банкротлик механизми концепциясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш а) бозор субъектлари ўртасида рақобатнинг замонавий-ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий меъёрларини ўрнатиш; б) эркин

рақобат ва уни бозорда амал қилишини қўллаб-қувватлаш; в) замонавий ижтимоий-иқтисодий, илмий-иқтисодий ва инвестиция сиёсатини амалга ошириш; г) тармоқлар ичида ва тармоқлараро ишлаб чиқариш ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш; д) корхона хўжалик юритиш фаолияти самарадорлигини оширишда мулкдорлар, тадбиркорлар, бошқарувчилар ва ишчиларнинг иқтисодий манфаатларини қўллаб-қувватлаш ва корхона иқтисодий салоҳиятидан оқилона фойдаланишда уларнинг масъулиятини ошириш; е) корхоналар тўлов қобилияти ва иқтисодий ҳолатини тўғри ва сифатли баҳолаш; ё) ижтимоий соҳа корхоналарига банкротликнинг салбий таъсирини пасайтиришни қўллаб-қувватлайди.

6. Корхонанинг молиявий ҳолати, унинг барқарорлиги ва уни таъминлаш ўз ва қарз маблағлари нисбатининг оптимал мувозанатига бевосита боғлиқ. Цемент саноатида нефть-газ саноати корхоналарига нисбатан ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси юқори бўлмоқда. Жумладан, агар 2003 йилда цемент саноати корхоналарида ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси 75,1 фоизга тенг бўлган бўлса, 2010 йилга келиб ушбу кўрсаткич қарийб 90 фоизни ташкил қилмоқда. Бир вақтнинг ўзида, нефть-газ саноати корхоналарида ўз маблағлари билан таъминланганлик беқарор ҳолда бўлган, жумладан, 2003 йилда тармоқ корхоналарининг ўз маблағлари 55,7 фоизни ташкил қилган ҳолда, 2010 йилда тармоқ корхоналарининг ўз маблағлари билан таъминланганлиги 59,2 фоизни ташкил қилган.

7. Нефть-газ ва цемент саноати корхоналари соф активлари устав капиталига нисбатан, мос равишда, 15,9 ва 24,5 мартага юқори бўлганлигини кўриш мумкин. Ушбу омил тармоқ корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашда ижобий омил бўлиб хизмат қилади, яъни, у корхоналарнинг соф активлари меъёрий даражаси талабларини тўлиқ қондиради. Шу ўринда, ушбу кўрсаткичнинг жорий ҳолатини аниқлаган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, соф активлар 2003-2010 йилларда нефть-газ саноатида 6 мартага, цемент саноатида эса 17,9 мартага ошган.

8. Нефть-газ ва цемент саноати корхоналарининг молиявий барқарорлиги ва уни таъминлашни баҳолашнинг мутлақ кўрсаткичлари қуйидагиларни кўрсатмоқда: а) нефть-газ саноати корхоналарида биргина 2004 йилда меъёрий молиявий барқарорлик ҳолати кузатилган ва қолган йиллар мутлақ молиявий барқарорлик ҳолатида бўлган. Таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида цемент саноати корхоналарида ўз айланма маблағларининг етишмаслиги кузатилмаган бўлса-да, тармоқдаги айрим корхоналарда ўз айланма маблағлари тақчил бўлган; б) ўз айланма маблағлари етишмаслиги кузатилган корхоналарда ушбу муаммонинг келиб чиқиш сабабини корхоналарда молиявий назоратнинг издан чиқиши, молиявий режаларнинг бажарилмаслиги, сотилган маҳсулотлар тўловларининг ўз вақтида амалга оширилмаганлиги ва тушумлардаги узилишлар, ўз маблағлари билан таъминланганлик даражасининг пастлиги, дебиторлик қарзларининг ошиши ва захиралар айланишининг сусайганлиги билан изоҳлаш мумкин.

9. Нефть-газ ва цемент саноати корхоналари молиявий барқарорлиги ва уни таъминлашни баҳолашнинг нисбий кўрсаткичлари қуйидагилардан дарак

бермоқда: а) нефть-газ саноати корхоналарида мутлақ ва жорий ликвидлилик коэффициенти меъерий даражадан пастлигича қолмоқда; б) молиявий мустақиллик коэффициентининг оптимал қиймати (0,65-0,75) билан қиёсланганда цемент саноати корхоналари молиявий мустақил ҳисобланади; в) ўз ва қарз маблағлари нисбати коэффициенти цемент саноати корхоналарида нефть-газ саноати корхоналарига нисбатан юқори бўлмоқда. Умуман олганда, нефть-газ ва цемент саноати корхоналарида ушбу кўрсаткич меъерий даражага нисбатан юқори; г) ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти нефть-газ ва цемент саноати корхоналарида пасайиш тенденциясига эга бўлса-да, у меъерий кўрсаткичга яқинлашмоқда; д) дебиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициенти барча корхоналарда турли хил даражада бўлган, кредиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициенти барча корхоналарда барқарор ўсган бўлса-да, нефть-газ саноати корхоналарида ушбу кўрсаткич пастлигича қолмоқда; е) баланс фойда меъери коэффициенти барча корхоналарда барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлган; ё) соф фойда меъери коэффициенти 2007 йилгача цемент саноати корхоналарида барқарор ўсган бўлса-да, 2008 йилга келиб кескин пасайган. Шунингдек, нефть-газ саноати корхоналарида соф фойда меъери коэффициенти 2009 йилга қадар турли даражаларда ўсган, бироқ, 2010 йилда пасайган. Бу ҳолатга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири сифатида қараш мумкин.

Тадқиқот жараёнида саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган қуйидаги **илмий таклиф ва амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида уни бошқаришни қуйидаги босқичларга бўлиш мақсадга мувофиқ: биринчи босқич корхоналар қарорлар қабул қилиш учун турли хил манбалардан зарур маълумотларни йиғиш ҳисобланади; иккинчи босқич йиғилган маълумотларга асосланган ҳолда молиявий барқарорликни таъминлашни диагноз қилиш; учинчи босқичда диагноз натижалари ва муаммони бартараф этиш йўлларига асосланган ҳолда мақсадлар қўйиш; тўртинчи босқич бошқарувнинг у ёки бу қарорларини қабул қилиш натижасида молиявий барқарорликни таъминлашнинг янги шакллари башорат қилиш ҳисобланади; бешинчи босқич режалаштириш жараёни бўлиб, у корхона фаолиятини мувофиқлаштириш усули ҳисобланади; бошқаришнинг олтинчи босқичи назорат бўлиб, бу босқичдан кейин корхонада молиявий барқарорликни таъминлашни бошқариш бўйича янги бошқарув цикли бошланади, бироқ, бу цикл янги маълумотларга асосланган ҳолда шаклланади.

2. Ўзбекистон нефть-газ саноатининг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан уни барқарор ривожлантириш қуйидаги йўналиш-ларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ: а) нефть-газ саноатидаги операцияларни амалга оширишни тартибга солишнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш; б) нефть ва газ ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларига инвестициялар жалб қилишни жадаллаштириш; в) маҳаллий нефть ва газдан турли хил синтетик маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берувчи замонавий қайта ишлаш тизимини ривожлантириш; г) нефть ва газ конларини аниқлаш бўйича жуғрофий тадқиқотларни амалга ошириш; д) нефть ва газдан тайёр

маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг ассортименти кенгайтириш ҳисобига экспорт таркибини диверсификациялаш; е) миллий тармоқнинг жаҳон нефть-газ саноатига интеграциялашувини халқаро даражада рағбатлантириш. Ўз навбатида, худди шундай мақсадлар учун истиқболда цемент саноати ва цемент бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши керак: а) илғор техника ва технологиялар, ишлаб чиқаришда замонавий тежамкор усулларга асосланган ҳолда янги цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар барпо этиш; б) мавжуд цемент ишлаб чиқарувчи корхоналарни замонавий “курук” ишлаб чиқариш усулида модернизация қилиш; в) замонавий сотиш инфратузилмаларини яратиш, шунингдек, катта ҳажмда истеъмол қилинадиган ҳудудларда цемент терминаллари қуриш; г) ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш; д) истеъмолчилар, шунингдек кичик истеъмолчилар учун цемент етказиб беришнинг усуллари ва воситаларини ривожлантириш.

3. Молиявий барқарорликни таъминлашни кўзда тутиб нефть-газ ва цемент саноати корхоналарида маҳсулот рентабеллиги ва меҳнат унумдорлигини ошириш йўналишлари қуйидагиларга асосланиши лозим: а) бозор талабларига жавоб берувчи юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришнинг максимал ҳажмини таъминловчи, оптимал ишлаб чиқариш жараёнини яратиш; б) ташқи ва ички истеъмолчилар талабини қондиришга йўналтирилган маҳсулот сотиш ва юқори фойда олиш; в) айланма воситаларни тежаш имконини яратувчи оптимал ишлаб чиқариш захираларини яратиш ва бошқалар.

4. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг нефть-газ саноатига салбий таъсирини юмшатиш ва тармоқни барқарор ривожлантириш молиявий барқарорликни таъминлаш борасидаги ишлар қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ: а) нефть-газ компанияларининг молиявий ҳолатини сақлаб қолиш; б) ўз активларини ҳимоя қилиш; в) компания фаолияти, шунингдек, пудратчи ташкилотлар самарадорлигини ошириш; г) транспорт харажатлари ва логистикани мақбуллаштириш; д) углеводородлар қазиб олишни жуғрофий диверсификация қилиш; е) устувор ҳудудларда сотиш шохобчаларини танлаб олган ҳолда ривожлантириш, анъанавий ҳудудларда активларни модернизация қилиш ва маҳсулот брендини олдинга суриш орқали самарадорликка эришиш.

5. Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш ва цемент саноатининг барқарор ривожланиши таъминланиши учун уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашни кўзда тутиб, қуйидаги йўналишларда қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган ишларни амалга ошириш зарур: а) тижорат банкларидан олинган экспорт кредитларининг фоиз ставкаларини субсидиялаш ҳажмини ошириш; б) давлат ва маҳаллий бюджет ҳисобига уй-жой қурилиш дастурини ишлаб чиқиш, жумладан, бунда цемент ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш асосида маҳсулот етказиб бериш тизимини таъминлаш; в) цемент ишлаб чиқаришда саноатнинг бошқа тармоқлари чиқиндилари ва иккиламчи энергия ресурсларидан фойдаланган корхоналарга экология тўловлари бўйича имтиёзлар бериш юзасидан меъёрий ҳужжатлар тайёрлаш ва амалиётга татбиқ этиш; г) корхоналарда «энергия тежаш –

унумдорлик – сифат» тизимини жорий қилиш ва унга қатъий амал қилиш.

6. Молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда нефть-газ ва цемент саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг прогноз (башорат) кўрсаткичларини аниқлашда инерцион ва мобилизацион сценарийлардан фойдаланиш лозим. Инерцион сценарий бўйича нефть-газ ва цемент саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси кескин ўсиши кузатилмайди. Жумладан, қисман ўсиш цемент (16,6%) ва айрим нефть ва газдан қайта ишланган маҳсулотлар (15,4%) ишлаб чиқариш ҳамда табиий газ (11,5%) қазиб олишда кузатилади. Бошқа маҳсулот сегментларида эса, ўсиш даражаси пастлигича қолади. Мобилизацион сценарий бўйича истиқболда нефть қазиб олиш 167,2 фоизга ўсиши кутилмоқда. Шунингдек, нефть-газ саноатида маҳсулотни қайта ишлашга устуворлик берилиши ҳисобига чуқур қайта ишланган - инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш қарийб икки мартага ошиши мумкин.

7. Саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш ва ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш қуйидаги асосий босқичлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ: а) саноат корхоналарининг инвестиция жозибадорлигини таҳлил қилиш ва корхона фаолият кўрсатаётган тармоқда унинг рақобат мавқеини баҳолаш; б) корхонани ривожлантириш стратегияларининг муқобил вариантларини молиявий баҳолаш; в) стратегик мақсадлар ва вазифаларни ишлаб чиқиш, улар ичида энг муҳим мақсад – корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлашга эътибор қаратиш; г) корхонани молиявий соғломлаштириш ва ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда истиқболли тадбирларни белгилаш.

8. Саноат корхонасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш дастури молиявий барқарорликни таъминлаш чора-тадбирларининг кўп поғонали таркибий тузилиши ва уни ресурслар билан таъминлаш асосида ишлаб чиқилиши лозим. Саноат корхонаси молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқишда уни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидаги омилларни ажратиш мумкин: а) корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш; б) ички ва ташқи бозорларда корхонанинг улушини ошириш; в) инвестицион жозибадорлик даражасини ошириш; г) ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини пасайтириш; д) корхонанинг капиталлашув даражасини (акциялар бозор қиймати) ошириш; е) хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар етказиб берувчиларига тобеликни пасайтириш; ё) корхонанинг ташкилий тузилишини такомиллаштириш.

9. Корхона молиявий барқарорлигини таъминлашни бошқаришнинг усуллари ва моделларини таҳлил қилишда улар тавсифларининг устуворлигини ихтисос-лаштириш ҳамда уларнинг умуман молиявий барқарорлик динамикасига таъсирини аниқлаш зарур. Молиявий барқарорликни таъминлашни бошқариш услубияти такомиллаштирилишини максимал даражада яқинлаштириш молиявий барқарорликни бошқаришнинг барча иштирокчилари томонидан корхонанинг молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш функцияси бажарилиши бўйича улар манфаатларининг уйғунлигини таъминлаши лозим бўлган дастур тадбирларини амалга оширишнинг асосий мезони бўлиши керак. Таклиф

этилатган моделлар корхона молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятини яратади.

10. Корхонанинг молиявий ҳолатини прогноз (башорат) қилиш даври кўриб чиқилган усуллар ва моделларда уч ойдан беш йилгачани ташкил қилади. Корхонани ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун икки йилдан кам бўлган прогноз (башорат) қилиш давридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлашни прогноз (башорат) қилишнинг энг қулай муддати ўн йиллик даврдан иборат бўлиши керак.

11. Амалдагиларга қўшимча равишда корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлашни баҳолаш ва бошқариш моделлари билан бир қаторда молиявий стратегияни ёритувчи моделлар мажмуига а) инвестиция модели; б) дивиденд модели; в) биржа модели; г) суғурталаш модели; д) жарима модели ва е) корхона иқтисодий фаолиятининг бошқа моделларини ҳам киритиш лозим.

## **ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**

### **Монография ва илмий журналлардаги мақолалар**

1. Бурханов А.У. Саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегияси. Монография. –Тошкент, “Фан”, -2009. -216 б.

2. Бурханов А.У. Анализ финансового состояния предприятия // Рынок, деньги и кредит. –Ташкент, 2002. -№7. -С. 77-79.

3. Бурханов А.У. Корхоналарни молиявий соғломлаштириш имкониятларини таҳлил қилиш методикаси // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –Тошкент, 2002. -№10-11. –Б.25-27.

4. Бурханов А.У. Корхонани иқтироздан чиқаришнинг инвестицион дастурини ишлаб чиқиш методикаси // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –Тошкент, 2002. -№12. –Б.12-15.

5. Бурханов А.У., Джумабоев С. Инқирозга учраган корхоналарни молиявий аҳволини баҳолаш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –Тошкент, 2003. -№1-2. –Б.38-39.

6. Бурханов А.У. Инқирозга қарши бошқариш дастурини шакллантириш тамойил ва услублари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –Тошкент, 2003. -№8-9. –Б.9-13.

7. Бурханов А.У., Абраев Н.К. Активларни тезкор бошқариш кризисга қарши восита // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –Тошкент, 2003. -№4. –Б. 26-29.

8. Бурханов А.У. Инқирозга қарши бошқариш тизими самарадорлигини таъминлашнинг биз билган ва билмаган омиллари // Солиқ тўловчининг журнали. –Тошкент, 2007. -№3. –Б. 39-41.

9. Бурханов А.У. Молиявий барқарорликни баҳолаш // Ўзбекистон кишлок хўжалиги. –Тошкент, 2008. -№4. –Б. 38.

10. Бурханов А.У. Теоретические основы финансовой устойчивости промышленных предприятий // Экономика и финансы. –М., 2008. -№2. -С. 5-8.

11. Бурханов А.У. Молиявий барқарорликни бошқариш стратегиясини такомиллаштириш // Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2008. -№2. –Б. 56-58.

12. Бурханов А.У. Молиявий барқарорликни таъминлаш // Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2008. -№3. –Б. 62-63.
13. Бурханов А.У. Саноат корхоналарида молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқиш // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 2008. -№3. –Б. 31-36.
14. Бурханов А.У. Учет факторов риска при формировании стратегии финансовой устойчивости промышленных предприятий // Экономика и финансы. –М., 2008. -№5. -С. 5-8.
15. Бурханов А.У. Саноат корхоналарида молиявий барқарорликни таъминлаш омиллари // Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2008. -№6. –Б. 33-36.
16. Бурханов А.У. Саноат корхоналарининг банкротлик жараёнини тартибга солиш механизмига доир // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. –Тошкент, 2008. -№4. –Б. 88-94.
17. Бурханов А.У. Молиявий барқарорликни таъминлаш модели // Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2008. -№4. –Б. 74-75.
18. Бурханов А.У. Саноат корхоналари молиявий барқарорлигини баҳолаш // Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2009. -№1. –Б. 26-28.
19. Бурханов А.У. Молиявий хатарларнинг шаклланиши ва уни бартараф этиш механизмлари // Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2009. -№1. –Б. 50-52.
20. Бурханов А.У. Основные факторы, влияющие на финансовую устойчивость промышленных предприятий // Экономика и финансы. –М., 2009. -№2. -С. 12-15.
21. Бурханов А.У. О стабилизационных мерах для предприятий Узбекистана в рамках антикризисной программы // Международный Научный Бюллетень “Перспективы инноваций, экономики и бизнеса”. –Прага, 2009. - Выпуск 1. –С. 108-109.
22. Бурханов А.У. Ўзбекистонда цемент ишлаб чиқаришни ривожлантириш // Иқтисодиёт ва таълим. –Тошкент, 2009. -№2. –Б. 58-61.
23. Бурханов А.У. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида цемент саноати корхоналари // Иқтисодиёт ва таълим. –Тошкент, 2009. -№4. –Б. 47-49.
24. Бурханов А.У. Финансовая стабилизация промышленных предприятий в условиях перехода к рынку // Экономика и финансы. –М., 2009. -№6. -С. 13-17.
25. Aktam Burkhanov. Some development perspectives for industrial sector in Uzbekistan // Perspectives of innovations, economics and business. -Prague, 2010. - Volume 5, Issue 1. -PP. 41-42, [www.pieb.cz](http://www.pieb.cz)

### **Илмий-амалий конференция тезислари**

26. Бурханов А.У., Рашидова М.Ю. Корхона молиявий аҳволининг сифат даражаси // Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш: тажриба, асосий йўналишлар ва муаммолар. Илмий-услубий семинар материаллари. –Тошкент, 2002. –Б. 42-46.
27. Бурханов А.У. Реструктуризация предприятия как инструмент финансового оздоровления // Двадцатые международные Плехановские чтения. – М., 2007. –С. 366-368.
28. Бурханов А.У. Корпоративное управление – основа финансовой устойчивости промышленных предприятий // Международный опыт финансово –

промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане. Материалы международной научно-практической конференции. - Часть 1. –М., 2008. –С. 212-215.

29. Бурханов А.У. Иқтисодий ночор корхоналарни молиялаштириш жараёни // Иқтисодий ўсишнинг янги сифати: инновация, рақобатбардошлик, инвестициялар. Республика илмий-амалий конференция материаллари. II жилд. – Тошкент, 2008. –Б. 15-18.

30. Бурханов А.У. Саноат корхонасининг молиявий нобарқарорлик шароитида ходимларни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари // Инновацион жараёнларни бошқариш: тажриба, муаммо ва истиқболлари. Республика илмий-амалий анжумани маърузалари тезислар тўплами. –Тошкент, 2008. –Б. 52-53.

31. Бурханов А.У. Методологические основы определения инновационной активности промышленных предприятий // Барқарор иқтисодий ривожланиш: муаммолар, ечимлар. Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасалари илмий-амалий анжумани материаллари. –Андижон, 2008. –Б. 149-152.

32. Бурханов А.У. Корхона молиявий барқарорлигини бошқаришнинг асосий усуллари // Тадбиркорлик менежменти: назария, амалиёт ва истиқбол. Республика илмий - амалий анжумани тезислари тўплами. –Тошкент, 2008. –Б. 154-157.

33. Бурханов А.У. Организация инновационной деятельности на промышленном предприятии // Актуальные проблемы развития инновационной деятельности. Сборник научных трудов Международной конференции. –Ташкент, 2008. –С. 106-108.

34. Бурханов А.У. Корхонанинг молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари тизими ҳақида // Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари. Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами. –Тошкент, 2008. –Б. 30-32.

35. Бурханов А.У. Совершенствование методики оценки финансовой устойчивости промышленных предприятий // XXII международные Плехановские чтения. –М., 2009. –С. 420-421.

36. Бурханов А.У. Саноат корхоналари фаолиятига жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирини камайтириш йўллари // Банк тизимини такомиллаштириш ва тижорат банклари инвестицион фаоллигини ошириш. Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, 2009. –Б. 124-127.

37. Турсунходжаев М.Л., Бурханов А.У. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида саноат тармоқларини қўллаб-қувватлаш йўллари // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: Миллий манфаатлар ва инновацион сиёсат. Республика илмий-амалий конференция материаллари. -I жилд. –Тошкент, 2009. –Б. 130-133.

38. Бурханов А.У. Корхона молиявий барқарорлигининг назарий жиҳатлари // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида молия ва бюджет тизимини такомиллаштириш масалалари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. -II қисм. –Тошкент, 2010. –Б. 245-248.

39. Бурханов А.У. Формирование наукоемкого промышленного производства – основа преодоления последствий мирового финансово-экономического кри-

зиса // Трансформация экономических отношений в условиях преодоления последствий глобального финансово-экономического кризиса. Материалы международной научно-практической конференции. –Ташкент, 2010. –С. 128-129.

40. Бурханов А.У. Поддержка инновационного развития промышленных предприятий в условиях модернизации экономики // Сборник научных трудов “Реализации антикризисной программы – дальнейшего развития национальной экономики и повышения его конкурентоспособности”. –М., 2010. –С. 23-26.

41. Aktam Burkhanov. The Present and Future Development of Uzbek Cement Industry // Proceeding (Part I) of the 8<sup>th</sup> Int’l Joint Conference “Green Growth Strategy of SMEs (Small and Medium sized Enterprises) In the New Silk Road Countries”. –Gumi, Korea: Korean Association of Logos Management, Kumoh National Institute of Technology, 2010. –PP. 581-587.

**Иқтисод фанлари доктори илмий даражасига талабгор Бурханов Ақтам Усмановичнинг  
08.00.07 - “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги бўйича “Иқтисодий  
ислохотларни чуқурлаштириш шароитида саноат корхоналарининг молиявий  
барқарорлигини таъминлаш йўналишлари” мавзусидаги диссертациясининг  
РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** молиявий барқарорлик, молиявий барқарорликни таъминлаш, саноат корхонаси, молиявий муносабатлар, корхона инқирози, инқирозга қарши бошқарув, молиявий стратегия, банкротлик, ликвидлилик, маҳсулот рентабеллиги, Альтман ва Бивер моделлари, нефть-газ саноати, цемент саноати, цемент бозори.

**Тадқиқот объекти:** Ўзбекистон нефть-газ ва цемент саноати корхоналари ҳисобланади.

**Тадқиқот мақсади:** иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот методлари:** иқтисодий-статистик, молиявий таҳлил, гуруҳлаш ва қиёсий таҳлил, абстракт-мантиқий фикрлаш, эксперт баҳолаш, таққослаш, илмий башоратлаш.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида “молиявий барқарорлик” ва “молиявий барқарорликни таъминлаш” тушунчаларининг иқтисодий моҳияти очиб берилган ва “корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш” тушунчасига такомиллашган муаллифлик таърифи берилган; молиявий барқарорликни таъминлашни баҳолаш услубияти корхона ихтисослиги, тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилган; молиявий барқарорликни таъминлашни баҳолашга нисбатан муаллифлик ёндашуви таклиф этилган ҳамда нефть-газ ва цемент саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашни баҳолаш кўрсаткичлари таснифланган; саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашни бошқаришга муаллифлик ёндашуви берилган ва амалга ошириш босқичлари илмий асосланган; нефть-газ ва цемент саноати корхоналарининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни баҳоланган ва ўзига хос хусусиятлари аниқланган ҳамда ушбу тармоқ корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот сотиш рентабеллиги ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг устувор йўналишлари таклиф этилган; нефть-газ ва цемент саноати корхоналари молиявий барқарорлик ҳолати баҳоланган, ривожланиш тенденциялари аниқланган ва молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган; Ўзбекистон нефть-газ ва цемент саноати корхоналарида ўрта ва узоқ муддатли истиқболда маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муқобил сценарий вариантлари бўйича прогноз (башорат) кўрсаткичлари ишлаб чиқилган; саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегияси ишлаб чиқилган ва амалиётда қўллаш бўйича амалий тавсиялар берилган.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар саноат корхоналарида молиявий ҳолатни белгиловчи салбий ва ижобий омилларни аниқлаш имконини беради, корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ўрта ва узоқ муддатли истиқболларини белгилашда, шу жумладан, саноат корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича йўриқнома, меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** муаллифнинг илмий таклиф ва амалий тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва “Ўзқурилишматериаллари” АК томонидан амалиётга татбиқ этиш учун қабул қилинган. Тадқиқот иши материалларидан олий ўқув юрғларида “Молия”, “Молиявий менежмент”, “Корхона молияси”, “Корпоратив молия” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Қўлланиш соҳаси:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, “Ўзқурилишматериаллари” АК, олий ўқув юрғлари.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Бурханова Актама Усмановича на тему: «Направления обеспечения финансовой устойчивости промышленных предприятий в условиях углубления экономических реформ» представленной на соискание учёной степени доктора экономических наук по специальности 08.00.07 – «Финансы, денежное обращение и кредит».

**Ключевые слова:** финансовая устойчивость, обеспечение финансовой устойчивости, промышленное предприятие, финансовые отношения, кризис предприятия, антикризисное управление, финансовая стратегия, банкротство, ликвидность, рентабельность продукции, модели Альтмана и Бивера, нефтегазовая промышленность, цементная промышленность, цементный рынок.

**Объект исследования:** нефтегазовая и цементная промышленность Республики Узбекистана.

**Цель исследования:** разработка научных предложений и практических рекомендаций, направленных на обеспечение финансовой устойчивости промышленных предприятий в условиях углубления экономических реформ.

**Методы исследования:** экономико-статистический, финансовый анализ, сопоставление, группировка и сравнительный анализ, абстрактно-логическое мышление, экспертной оценки, научное прогнозирование.

**Полученные результаты и их новизна:** раскрыта экономическая сущность понятий «финансовая устойчивость», «обеспечение финансовой устойчивости» и дано совершенствованное авторское определение понятия «обеспечение финансовой устойчивости предприятий»; совершенствована методология оценки обеспечения финансовой устойчивости, исходя из специфики отрасли и специализации предприятия; предложен авторский подход относительно оценки финансовой устойчивости предприятий и классифицированы показатели обеспечения оценки финансовой устойчивости предприятий нефтегазовой и цементной промышленности; дан авторский подход управлению финансовой устойчивости промышленных предприятий и научно обоснованы этапы реализации; оценено место промышленных предприятий нефтегазовой и цементной промышленности в экономике страны, предложены приоритетные направления повышения производительности труда и рентабельности реализации продукции; произведена оценка состояния финансовой устойчивости предприятий нефтегазовой и цементной промышленности и выявлены их тенденции развития, разработаны научные предложения и практические рекомендации направленных на обеспечение финансовой устойчивости; разработаны прогнозные показатели по вариантам альтернативных сценариев развития производства продукции нефтегазовой и цементной промышленности Узбекистана на средне- и долгосрочную перспективу; разработана стратегия обеспечения финансовой устойчивости промышленных предприятий и даны практические рекомендации по её применению на практике.

**Практическая значимость:** разработанные научные предложения и практические рекомендации дают возможность определить негативные и позитивные факторы, определяющие финансовую устойчивость промышленных предприятий, имеют важное значение в обеспечение финансовой устойчивости предприятий в средней и долгосрочной перспективе, в том числе, при разработке инструкций и нормативных документов по повышению уровня капитализации и обеспечению финансовой устойчивости промышленных предприятий.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** научные рекомендации и практические предложения диссертационной работы приняты для внедрения Министерством Финансов Республики Узбекистан и АК «Узстройматериалы». Материалы исследования используется в совершенствовании учебных программ курсов «Финансы», «Финансовый менеджмент», «Финансы предприятия», «Корпоративные финансы» и в процессе преподавания в высших учебных заведениях.

**Область применения:** Министерство Финансов Республики Узбекистан, АК «Узстройматериалы», высшие учебные заведения.

## RESUME

**Thesis of Burkhanov Aktam Usmanovich on the scientific degree competition of the doctor of sciences in economics, on specialty 08.00.07- “Finance, money circulation and credit”, subject: “The directions on providing financial sustainability of industrial enterprises in the condition of improving economic reforms”.**

**Key words:** financial sustainability, to provide financial stability, an industrial enterprise, financial relations, crisis of an enterprise, management against financial crisis, financial strategy, bankruptcy, liquidity, profitability of the product, models by Altman and Biver, oil-gas industry, cement industry, cement market.

**Subject of research:** Uzbekistan is a country of oil-gas and cement enterprises.

**Purpose of work:** working out scientific offers and practical recommendations to provide the financial sustainability in the condition of improving economic reforms.

**Methods of reseach:** economic-statistic, financial analysis, grouping and comparing analyses, abstract logical thinking, expert evaluation, scientific – prediction.

**The results achieved and their novelty:** determined the economic importance and definitions of “financial sustainability”, “providing financial sustainability”, further authorial explanation for the definition of “providing financial sustainability of enterprises”; the evaluation methodology of providing financial sustainability is integrated according to the industrial specialty and the branch aspects; the authorial approach on evaluating the providing of financial sustainability and features of evaluating to provide the financial sustainability of oil-gas and cement enterprises are defined; submitted the authorial approach on the management of providing financial sustainability of industrial enterprises and scientifically proved the steps of implementation; evaluated the role of oil-gas and cement industrial enterprises in the economy of the country, offered major directions of improving labor and product’s profitability; evaluated financial sustainability condition of oil-gas and cement enterprises, determined the tendency of development and worked out practical offers and scientific recommendations on providing financial sustainability; worked out the figures of predicting on mobilization inertia alternative variants of producing in near and far future in Uzbekistan oil-gas and cement industrial enterprises; worked out financial strategies of industrial enterprises and given practical recommendations on their use in practice.

**Practical value:** scientific offers and practical recommendation from the research enable to determine negative and positive features on marking the financial condition in an industrial enterprise, besides, for the near prosperity of an industrial enterprise, it is of great importance to increase the degree of capitalization and to work out essential business document and directories.

**Degree of embed and economic effectivity:** the author’s scientific offers and practical recommendations have been accepted by the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan and “Uzqurilishmateriallari” SC. The research project can be used in universities for the study process and for optimizing teaching programs of subjects, such as “Finance”, “Financial management”, Enterprise’s finance”, “Corporative finance”.

**Field of application:** the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan, “Uzqurilishmateriallari” SC and higher educational institutions.

Тадқиқотчи \_\_\_\_\_